ISSN 218-8088

# XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI

"XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI" JURNALI

**Muassis:**
"Xalq ta'limi" jurnali tahririyati DUK

# PUBLIC EDUCATION BULLETIN

"PUBLIC EDUCATION BULLETIN" JOURNAL

**2018**

**2-son**
(Mart-aprel)

Jurnal 2015-yildan chiqa boshlagan

(O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining 2014-yil 17-maydagi 137-sonli buyrug'i bilan tashkil etilgan)

TOSHKENT

Kirish ........................................................................................................ 4

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining “Kelajak bunyodkori” medalini ta’sis etish to‘g‘risidagi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni ijrosini ta’minlash to‘g‘risida **2018-yil 6-yanvardagi 7-sonli buyrug‘i** .................................. 5

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining Umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida “Targ‘ibotchi kitobxon o‘quvchisi” nominatsiyasini joriy etish to‘g‘risida **2018-yil 16-yanvardagi 17-sonli buyrug‘i** ................................. 6

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining O‘zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o‘rinbosari raisligida 2018-yil 11-yanvar kuni o‘tkazilgan videoselektor yig‘ilishida belgilangan vazifalar ijrosini ta’minlash to‘g‘risida **2018-yil 20-yanvardagi 20-sonli buyrug‘i** ………….............................................… 18

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining Umumiy o‘rta ta’lim maktablari direktori lavozimlariga kadrlar zaxirasini shakllantirish va ular uchun o‘quv-seminarlari tashkil etish to‘g‘risida **2018-yil 20-yanvardagi 21-sonli buyrug‘i** ....................................................................................... 23

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining 2018-2019-o‘quv yilida 1-sinfga qabul qilinishi rejalashtirilayotgan va kasalligi tufayli yakka tartibda uyida ta’lim oladigan o‘quvchilarni o‘quv qurollariga va kam ta’minlangan oilalarga mansub o‘quvchilarni qishki issiq kiyim-bosh to‘plamlariga bo‘lgan ehtiyojini aniqlash va ularni xarid qilish ishlarini tashkil etish to‘g‘risida **2018-yil 22-yanvardagi 22-sonli buyrug‘i** .............................................................. 30

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 22-yanvardagi “2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini “Faol tadbirkorlik, innovatsion g‘oyalar va texnoligiyalarni qo‘llab-quvvatlash yili”da amalga oshirishga oid davlat Dasturi to‘g‘risida”gi PF-5308-son Farmoni ijrosini ta’minlash haqida **2018-yil 26-yanvardagi 23-sonli buyrug‘i** ........................................................................................... 33

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining Xalq ta’limi tizimida odamning immunitet tanqisligi virusi keltirib chiqaradigan kasallik tarqalishiga qarshi kurashish chora-tadbirlari to‘g‘risida **2018-yil 26-yanvardagi 25-sonli buyrug‘i** …................................................................................................. 63

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining Voyaga yetmaganlar ishlari bo‘yicha respublika idoralararo komissiyasi majlisining 3-sonli bayonnomasi ijrosini ta’minlash to‘g‘risida **2018-yil 6-fevraldagi 31-sonli buyrug‘i** .... 66

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 2-fevraldagi “Xotin-qizlarni qo‘llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF 5325-son Farmonining ijrosini ta’minlash haqida **2018-yil 6-fevraldagi 32-sonli buyrug‘i** ....................................... 91

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining Umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida ijtimoiy jihatdan xavfli ahvolda bo‘lgan voyaga yetmaganlar bilan yakka tartibda shug‘ullanishni tashkil etish va nazorat qilish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida **2018-yil 6-fevraldagi 33-sonli buyrug‘i** ........................................................................................... 99

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 9-fevraldagi 11-son majlis bayoni ijrosini ta’minlash to‘g‘risida **2018-yil 16-fevraldagi 43-sonli buyrug‘i** .......................... 108

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining virtual qabulxonasi faoliyatini tugatish to‘g‘risida **2018-yil 16-fevraldagi 45-sonli buyrug‘i** ................................................................ 111

# KIRISH

Bugungi kunda o‘quvchilar o‘rtasida kitob o‘qishga bo‘lgan qiziqishni yanada oshirish, bu orqali ularning ma’naviy dunyosini boyitish kabi vazifalar har qachongidan muhim ahamiyat kasb etmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining “Umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida “Targ‘ibotchi kitobxon o‘quvchi” nominatsiyasini joriy etish to‘g‘risida”gi buyrug‘iga ko‘ra, joriy yilning yanvar oyidan boshlab har oy yakunlari bo‘yicha umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida “Targ‘ibotchi kitobxon o‘quvchi” nominatsiyasi o‘tkazib kelinmoqda. Xolislik va oshkoralik ruhida o‘tkazilishi belgilangan nominatsiyada 7-10 sinf o‘quvchilari ishtirok etishadi. Ikki bosqichda tashkil etiladigan nominatsiyaning 1-bosqichi har bir sinf o‘quvchilari o‘rtasida har oyning uchinchi haftasi yakuniga qadar o‘tkaziladi. 2-bosqich sinflardan nomzodi ko‘rsatilgan o‘quvchilar o‘rtasida har oyning to‘rtinchi haftasi yakuniga qadar Tashkiliy guruh tomonidan ko‘rib chiqiladi. Har oy yakunlari bo‘yicha nominatsiya g‘olibligi uchun nomzodlar maktab kutubxonasida tashkil etilgan namunaviy doska asosida e’lon qilib boriladi. O‘quv yili yakunida (may oyida) nominatsiya g‘olibligi uchun qo‘yilgan nomzodlar orasidan (har oyda g‘olib bo‘lgan o‘quvchilar orasidan) so‘rovnoma o‘tkazish orqali 1 nafar “Targ‘ibotchi kitobxon o‘quvchi” aniqlanadi.

Xalq ta’limi vazirining “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 2-fevraldagi “Xotin-qizlarni qo‘llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5326-son Farmonining ijrosini ta’minlash haqida”gi buyrug‘i asosida vazirlikning chora-tadbirlar rejasi tasdiqlandi. Unga ko‘ra, yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash, “Yosh oilalar va qizlar” respublika konferensiyasini, turli sohalarda ishlayotgan ayollar bilan o‘quvchilarning uchrashuvlarini, “Ilm-fan kelajak poydevori” shiori ostida “Oilam kitob o‘qiydi” aksiyasini, qizlar o‘rtasida “Sog‘lom turmush tarzi” sport musobaqalarini tashkil etish, oilalardagi ijtimoiy-ma’naviy muhitni sog‘lomlashtirishda ta’lim muassasalari psixologlarining rolini tanqidiy tahlil qilish, umumta’lim maktablarining 5-7 sinflarida “Oila asoslari” va 8-10 sinflarda “Oila etikasi va psixologiyasi” fanlarini kiritish kabi bir qator ustuvor vazifalar qayd etilgan.

Umumiy o‘rta ta’lim o‘quvchilari hali voyaga yetmagan hisoblangani uchun ularga nisbatan e’tiborli bo‘lish, qarovsiz qolib ketmasligiga erishish, bo‘sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish kabi vazifalar doimiy ravishda bajariladigan chora-tadbirlar sirasiga kiradi. Xalq ta’limi vazirining “Voyaga yetmaganlar ishlari bo‘yicha respublika idoralararo komissiyasi majlisining 3-sonli bayonnomasi ijrosini ta’minlash to‘g‘risida”gi buyrug‘ida voyaga yetmaganlarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoyalash, ular o‘rtasida huquqbuzarlikka qarshi kurashish, vatanparvarlikni targ‘ib qilish, “ommaviy madaniyat” ta’siriga tushishining oldini olish, vasiylik va homiylik organlarining faoliyatini tubdan yaxshilash kabi muhim masalalar bayon etilgan.

Umuman olganda, ta’lim muassasalari faoliyatini zamon talablari darajasida yo‘lga qo‘yish, ularda dars jarayoni sifatini oshirish, har jihatdan yetuk farzandlar tarbiyalash “Xalq ta’limi axborotnomasi” jurnalida berilayotgan buyruqlar, qarorlarning asosiy mazmunini tashkil etadi.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2018 йил 6 январь* *7-сон*

## Б У Й Р У Ғ И

## “КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ” МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

“Келажак бунёдкори” медалини таъсис этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш ҳамда халқ таълими тизимида ватанпарварлик, фидойилик ва меҳнатсеварлик фазилатларини намоён этаётган, садоқат билан хизмат қилаётган ёшларни мукофотлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. “Келажак бунёдкори” медалини таъсис этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 28 декабрдаги ЎРҚ-451-сон Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўқувчи-ёшлар билан ишлаш бошқармаси (А.Абдуллаев)га:

халқ таълими тизимида Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга ва шон-шуҳратини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллиги ва ташаббускорлиги билан тенгдошларига ўрнак бўлаётган, ўқишда ва меҳнат фаолиятида қайта ютуқларга эришаётган 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган ёшларнинг рўйхатларини шакллантириш ва доимий равишда янгилаб бориш;

“Давлат мукофотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан “Келажак бунёдкори” медали билан мукофотлаш учун номзодлар тавсия этиб бориш;

“Келажак бунёдкори” медали билан мукофотланган ёшлар билан тизимли ишлаш ва уларнинг фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш вазифалари юклатилсин.

3. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А.Саъдуллаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2018 йил 16 январь* *17-сон*

## Б У Й Р У Ғ И

### УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА "ТАРҒИБОТЧИ КИТОБХОН ЎҚУВЧИ" НОМИНАЦИЯСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги ПҚ-3271-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2018 йил 3 январь куни Таълим, соғлиқни сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари комплекси ва унинг таркибига кирувчи вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботи юзасидан ўтказилган йиғилиш баёнида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ўқувчиларнинг билим олишга интилиши, қизиқиши ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Умумий ўрта таълим муассасаларида "Тарғиботчи китобхон ўқувчи" номинациясини ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб юритилади) 1-иловага, умумий ўрта таълим муассасаларида "Тарғиботчи китобхон ўқувчи" номинациясини (кейинги ўринларда номинация деб юритилади) ташкил этиш тартиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ишчи гуруҳ (А.Алимов)га:

ҳудудлар бўйича номинация ғолиблари ҳақида маълумотлар банкини шакллантириш;

номинация ғолибларини рағбатлантириш юзасидан юртимиз бўйлаб ташкил этилиши белгиланган саёҳатлар ва маданий-маърифий тадбирларга кенг жалб этилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳамда вазирлик тасарруфидаги таълим муассасаларига:

жорий йилнинг январь ойидан бошлаб, ҳар ой якунлари бўйича умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарғиботчи китобхон ўқувчи” номинациясини белгиланган тартиб асосида жорий этиш;

мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари ва ота-оналар ўртасида номинацияни холисона ва ошкораликда ўтказиш;

ўқувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, фаол ўқувчилар эришаётган натижаларни тарғиб қилиш ва номинациянинг нуфузини оширишга қаратилган тарғибот ишларини олиб бориш;

таълим муассасаларидаги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари етакчилари ва сардорларининг номинацияларни ташкил этишда фаол иштирокини таъминлаш;

умумий ўрта таълим муассасаларида номинация ғолиблари ҳақида маълумотлар банкини шакллантириш;

ҳар ойнинг биринчи ҳафтаси душанба куни ўтказиладиган “Эрталабки сафланиш”ларда ўтган ой якунлари бўйича номинация ғолибларини эълон қилиб бориш, уларни рағбатлантириш юзасидан уюштириладиган саёҳатлар ва маданий-маърифий тадбирларга жалб этиш;

умумий ўрта таълим муассасаларининг кутубхоналарида “Бизнинг фахримиз” рукни остида “Тарғиботчи китобхон ўқувчи” доскасини ҳар ўқув йили учун ташкил этиш ва уларга номинация ғолиблари ҳақидаги фотосуратли маълумотларни ойлар кесимида тўлдириб борилишини таъминлаш;

амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотларни туман (шаҳар)лар кесимида умумлаштирган ҳолда ўқув йили чораклари якунлари бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар вазирликнинг Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармасига (239-11-73 тел/факс, b.aminov@xtv.uz электрон манзили орқали) тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. “Тарғиботчи китобхон ўқувчи” номинациясини жойларда ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширишда ҳамда туман (шаҳар)лардан ҳисоботларни Халқ таълими вазирлигига тақдим этиб боришга ҳудудий ахборот-ресурс марказлари масъул этиб белгиланади.

5. Матбуот хизмати (Б.Шайвалиев) ва “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (Х.Нишонов)га жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб номинацияларни ўтказилиши бўйича ташкилий ишларни кенг ёритиб бориш ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайтига тегишли маълумотларни жойлаштириш тавсия этилсин.

6. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А.Саъдуллаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг*
*2018 йил 16 январдаги 17-сон буйруғига*
*1-илова*

## Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарғиботчи китобхон ўқувчи” номинациясини ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби

| Т/р | Исми шарифи | Лавозими |
|---|---|---|
| 1. | Алимов Аҳмаджон Рахматович | Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, Ишчи гуруҳ раҳбари |
| 2. | Карабаев Мурод Абдурахмонович | Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, аъзо |
| 3. | Аминов Баҳромжон Эркинович | Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси бош назоратчиси, аъзо |
| 4. | Маҳмудова Севара Акрамовна | Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси етакчи назоратчиси, аъзо |
| 5. | Уролов Дониёр Аманович | Республика болалар кутубхонаси директори, аъзо |
| 6. | Бобонов Зокир Қувондиқович | Республика болалар кутубхонаси директори ўринбосари, аъзо |

*Халқ таълими вазирининг
2018 йил 16 январдаги 17-сон буйруғига
илова*

## Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарғиботчи китобхон ўқувчи” номинациясини ташкил этиш тартиби

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. “Тарғиботчи китобхон ўқувчи” номинацияси (бундан буён номинация деб юритилади) барча умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йили давомида ташкил этилади.

2. Умумий ўрта таълим муассасаларининг барча ўқувчилари номинация танлови иштирокчилари бўлиши мумкин.

3. Номинацияни ташкил этиш ва ғолибларни аниқлаш учун ҳар бир таълим муассасасида маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, кутубхоначи, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти етакчиси, барча синф раҳбарлари, “Васийлик кенгаши” раиси, “Жамоат кенгаши” аъзоларидан иборат Ташкилий гуруҳ тузилади.

### 2-боб. Номинациянинг мақсади

4. Ўқувчилар ўртасида бадиий адабиёт мутолаасига бўлган қизиқишини янада ошириш, китобхонликни тарғиб қилиш орқали ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларда мустақил ва танқидий фикрлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш, маънавий таҳдидларга нисбатан соғлом иммунитетни ривожлантириш, қизиқиши ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, қобилиятларини рўёбга чиқариш, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш, уларнинг билимли, одоб-ахлоқли, соғлом фикрли, маънавий баркамол шахслар бўлиб етишишига кўмаклашиш, ўқувчилар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда фаол ўқувчилар эришаётган натижаларни рағбатлантириш, тарғиб қилиш ва оммавийлигини таъминлашдан иборат.

### 3-боб. Номинацияни ташкил этиш тартиби ва шартлари

5. Ҳар йили сентябрь ойидан бошлаб 7-10-синф ўқувчилари орасидан икки босқичда ўтказилади:

2018 йил учун номинация январь ойидан бошлаб амалга оширилади.

а) 1-босқич - ҳар бир синф ўқувчилари ўртасида ҳар ойнинг учинчи ҳафтаси якунига қадар ўтказилади.

Бунда синф раҳбари, она тили ва адабиёт ўқитувчиси ота-оналар қўмитаси раиси ва синф сардоридан иборат ишчи гуруҳи томонидан синф ўқувчилари ўртасидан танлаб олинган энг фаол 2 нафар ўқувчининг номзоди синфдаги барча ўқувчилар орасида яширин овозга қўйилади ҳамда энг кўп овозга эга бўлган 1 нафар ўқувчининг номзоди 2-босқичда иштирок этиш учун мактаб Ташкилий гуруҳига тавсия қилинади.

Тавсияномада ўқувчи ҳақидаги маълумотлар ушбу тартибнинг 6-бандида қайд этилган мезонлар асосида ҳаққоний тарзда ифодаланиши лозим.

б) 2-босқич - синфлардан номзоди кўрсатилган ўқувчилар ўртасида ҳар ойнинг тўртинчи ҳафтаси якунига қадар Ташкилий гуруҳ томонидан кўриб чиқилади.

Бунда номзодлар орасидан ҳар ой якунлари бўйича жами 2 нафар ўқувчи танлаб олиниб, Ташкилий гуруҳ аъзолари ўртасида очиқ овозга қўйиш орқали 1 нафар ғолиб аниқланади.

6. Номинациянинг 2-босқичи иштирокчиларига овоз беришда қуйидаги мезонлар асос қилиб олинади:

а) мактабнинг ички тартиб қоидасига риоя қилиши;

б) кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятидан самарали фойдаланиши;

в) шахсий кутубхонасининг мавжудлиги (ўқувчи томонидан тақдим этиладиган адабиётлар рўйхати асосида);

г) китобхонликка оид турли мусобақа ва танловлардаги иштироки;

д) юртимизда ижод қилаётган шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги дастлабки билими;

е) синфда, мактабда ва тенгдошлари орасида тутган ўрни;

ё) синфдошлари ва тенгдошлари билан ўзаро дўстона муносабати ва ҳамкорлиги;

ж) синфда, мактабда ва маҳаллада ташкил этиладиган жамоат ишларида фаоллиги;

з) интилиши, қизиқиши ва ташаббуси билан эришган ютуқлари;

и) умумий ўрта таълим муассасаларидаги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотига аъзолиги.

Ҳар бир таълим муассасаси ўзининг ва жойлашган ҳудудининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда юқоридаги мезонларга ижодий ёндашиб, 2 тагача қўшимча мезонлар киритиши мумкин.

7. Ўқув йили давомида ҳар ой якунлари бўйича номинация ғолиблиги учун номзодлар таълим муассасаси кутубхонасида таш-

кил этилган 1-иловада кўрсатилган намунавий доска асосида эълон қилиб борилади.

Ўқув йили якунида (май ойида) номинация ғолиблиги учун қўйилган номзодлар орасидан (ҳар ойда ғолиб бўлган ўқувчилар орасидан) сўровнома ўтказиш орқали 1 нафар “Тарғиботчи китобхон ўқувчи” аниқланади.

8. “Тарғиботчи китобхон ўқувчи”га китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида мактаб кутубхонасида алоҳида жой (иш столи) ташкил этилади ва унга 2-иловада кўрсатилган гувоҳнома ва кўкрак нишони берилади.

## 4-боб. “Тарғиботчи китобхон ўқувчи”нинг вазифаси

9. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш бўйича мактаб етакчиси ва кутубхоначиси билан ҳамкорлик қилади.

10. Она тили ва адабиёт ўқитувчиси билан келишган ҳолда ижодкор ва китобхон ўқувчилар рўйхатини шакллантиради ва улар ўртасида тарғибот ишларини амалга оширади.

11. Мактаб кутубхоначиси томонидан ташкил этиладиган “Китобхонлар байрами” тадбирлари доирасида белгиланган 7 та тадбирларни ўтказишда кўмаклашади.

12. Ўқувчилар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш ва улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш бўйича “Китобхонлар клуби”ни ташкил этади.

13. Клуб аъзолари билан биргаликда кутубхона фондини бойитиш ва кутубхонага ўқувчиларни жалб қилиш бўйича турли акция, танлов ва тадбирларни амалга оширади.

Умумий ўрта таълим муассасаси ёшлар етакчиси билан ҳамкорликда 3-иловада кўрсатилган “Кутубхона харитаси”ни ишлаб чиқади ва ҳар чоракда ёзувларни янгилаб боради.

14. Энг яхши китобхон ўқувчиларни рағбатлантириш бўйича мактаб директорига тавсиялар беради.

## 5-боб. Номинация ғолибларини тақдирлаш

15. Номинация ғолиблари ҳар ойда душанба куни ўтказиладиган “Эрталабки сафланиш”ларда эълон қилиниб, махсус диплом ҳамда ўқув йили якунида 1 нафар ўқувчи Ташкилий гуруҳ томонидан “Тарғиботчи китобхон ўқувчи” номинацияси билан тақдирланади.

Мактаблар ички имкониятларидан келиб чиқиб, номинация ғолиблари учун турли совринлар, эсдалик совғалар ва стипендиялар жорий қилиниши мумкин.

16. Умумий ўрта таълим муассасалари директорлари томони-

дан номинацияда ғолиб бўлган ўқувчиларнинг ота-оналарига ва турар жойидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси номига “Миннатдорчилик” хати юборилади.

17. Ғолиблар мактаб иштирокида уюштириладиган саёҳатлар ва маданий-маърифий тадбирларга кенг жалб этилади.

## 6-боб. Якуний қоидалар

18. “Тарғиботчи китобхон ўқувчи” бир марта ўқув йили учун сайланади, кейинги ўқув йилида ғолиб бўлган янги ўқувчи “Тарғиботчи китобхон ўқувчи” лавозимини эгаллайди.

Шунингдек, ўқув йили якунида “Тарғиботчи китобхон” ўқувчи номзодлигига қўйилган ўқувчилар учун ўтказиладиган сўровномага олдинги ўқув йилида “Тарғиботчи китобхон ўқувчи” бўлиб фаолият кўрсатган ўқувчининг номзоди ҳам қўйилиши мумкин.

“Тарғиботчи китобхон ўқувчи” кўкрак нишонини янги келган тарғиботчига топширади.

19. Ҳар йили “Тарғиботчи китобхон ўқувчи”лар рўйхати ҳудудий ахборот-ресурс марказлари томонидан умумлаштирилади ҳамда июнь ойида Халқ таълими вазирлигига тақдим этилади.

*1-илова*

## БИЗНИНГ ФАХРИМИЗ, УЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГ!

### 1. Мактабимизнинг 2017-2018 ўқув йилидаги “Тарғиботчи китобхон ўқувчиси” номинациясига номзод ўқувчиларнинг ДОСКАСИ

| т/р | Ўқув йили ойлари | “Тарғиботчи китобхон ўқувчи” номинациясига номзод ўқувчиларнинг исми шарифи | Синфи | Эришган ютуқлари | Фотосурати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Январь | Жонибекова Севара Амирбековна | 8 - “А” | (Эришган ютуқлари ҳақида қисқача маълумот ёзилади) | Ўқувчининг фотосурати 9x12 ўлчамда |
| 2. | Февраль | | | | |
| 3. | Март | | | | |
| 4. | Апрель | | | | |
| 5. | Май | | | | |

### 2. Мактабимизнинг “Тарғиботчи китобхон ўқувчиси” номинацияси ғолиблари ДОСКАСИ

| Т/р | Ўқув йили | “Тарғиботчи китобхон ўқувчи” номинацияси ғолибининг исми шарифи | Синфи | Эришган ютуқлари | Фотосурати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 2017-2018 | Салимов Жасур Ойбек ўғли | 7 - “Б” | (Эришган ютуқлари ҳақида қисқача маълумот ёзилади) | Ўқувчининг фотосурати 9x12 ўлчамда |
| 2. | 2018-2019 | | | | |
| 3. | 2019-2020 | | | | |
| 4. | 2021-2022 | | | | |

*1-илова*

## ГУВОҲНОМАНИНГ НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

*Олд томони кўриниши*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA`LIMI VAZIRLIGI

**“TARG‘IBOTCHI KITOBXON O‘QUVCHI”**

**GUVOHNOMASI**



*Ички томони кўриниши*

**Toshkent shahar 71-sonli umumiy o‘rta ta‘lim maktabi**

**2017-2018 O‘QUV YILINING “TARG‘IBOTCHI KITOBXON O‘QUVCHI”**

**Guvohnoma № 002**

Erkinov Abubakr Bahromjon o‘g‘li

7-“V” sinf o‘quvchisi

Maktab direktori __________



## КЎКРАК НИШОНИНИНГ НАМУНАВИЙ ШАКЛИ



## Умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасининг йўл харитаси намунаси




Ўқувчиларнинг китобхонликка қизиқтириш мақсадида ушбу йўл харитаси намунаси ишлаб чиқилган.

Унга асосан ушбу намунадан келиб чиқиб, ҳар бир мактаб ўз харитасини ишлаб чиқади ва мактабнинг кириш қисмига жойлаштиради.

1. Кутубхонанинг йўл харитаси асосида мактабда ўқувчиларни кутубхонага жалб қилиш бўйича қуйидаги қизиқарли ташкилий ишларни амалга ошириши ҳам мумкин.

А) Муассаса ёшлар етакчиси, “Тарғиботчи китобхон ўқувчи” билан биргаликда қуйидаги рангли белгиларни ясаган ҳолда мактабнинг кириш жойидан кутубхонагача бўлган масофада полга ёки коридор деворига дид билан чизиши ёки қоғозларга тайёрлаган ҳолда деворларга ёпиштириб чиқиши мумкин.

Шунингдек, ҳар бир белгига маъноли сўзларни жойлаштириши тавсия этилади.



Масалан,

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 12 ёшда бутун бир давлатни бошқарган, Сен нима қилдинг!

Китоб нур, қалбга ғурур, дўстлар олдида илм, ҳаётда ўзгармас дўстдир!

Бахт калити бойликда деб ўйлаган инсон вақти келиб, бахт калити китобда эканлигини кеч тушунади!

Китоб билим манбаи – тафаккурнинг гавҳари!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2018 йил 20 январь* *20-сон*

## Б У Й Р У Ғ И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ РАИСЛИГИДА 2018 ЙИЛ 11 ЯНВАРЬ КУНИ ЎТКАЗИЛГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.Акмалов раислигида Халқ таълими вазирлигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши баёнида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари раислигида 2018 йил 11 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Маънавий-ахлоқий тарбия ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Х.Даминов)га:

**ўн беш кун муддатда** умумий ўрта таълим мактаб синф раҳбарлари ва психологларининг хулқида нуқсони бор ёки ноқобил оилалар фарзандлари билан ишлашда, ички ишлар органларининг профилактик ҳисобига олинган ўқувчилар билан якка тартибда фаолият олиб боришда назоратни кучайтириш механизмини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш;

**бир ой муддатда** барча умумий ўрта таълим муассасаларида тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, ота-оналар иштирокида ўқувчилар давоматини муҳокама қилиб бориш бўйича “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги Жамоат кенгашлари фаолиятини кучайтириш, давомати паст, тарбияси оғир болаларни Кенгаш мажлисларида ота-оналар иштирокида муҳокама қилинишини ташкил этиш;

**икки ой муддатда** ўқувчилар учун кўп вариантлилик асосида таклиф этиладиган мактаб формаларини тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини тасдиққа киритилишини таъминлаш;

**икки ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Тошкент ислом университети билан биргаликда 7-11-синф ўқувчилари учун соф ислом дини ҳақидаги тушунчаларни очиб беришга қаратилган қўлланма ишлаб чиқсин ва 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқитилишини ташкил этиш чораларини кўрсин.

3. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази (А.Хундибаев) **йигирма кун муддатда** умумий ўрта таълим мактаб амалиётчи психологлари томонидан ўқувчилар ўртасида руҳий оғишларни аниқловчи тестларнинг ҳар чоракда мунтазам ўтказилишини таъминласин ва уларнинг таҳлили асосида руҳий оғиш мавжуд ўқувчиларни аниқлаш ва улар билан индивидуал ишлашни ташкил этиш чораларини кўрсин.

4. Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов)га:

**ўн беш кун муддатда** ўқувчилар ўртасида китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган тизимли тадбирлар ўтказилишини, ҳар бир мактабда “Китобхонлик клублари”нинг ташкил этилишини таъминласин, шунингдек энг яхши китобхон мактаб, туман ва ҳудудни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

барча ахборот-ресурс марказларида китобхонлик тадбирларининг режа-жадвал асосида ўтказилишини мониторинг қилиб бориш;

барча умумий ўрта таълим мактабларига ўқувчиларнинг миллий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, 2018 йилдан бошлаб ҳар йили камида 30 номдаги бадиий адабиётларни етказиб беришни таъминлаш;

**бир ой муддатда** А.Навоий номидаги миллий кутубхона билан биргаликда мактаб ўқувчиларининг миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ҳудудлардаги ахборот-ресурс марказлари ва таълим муассасалари кутубхоналарига мавжуд бадиий адабиётларнинг электрон нусхаларини ва келгусида янгиларини мунтазам равишда етказиб берилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

5. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-методик жараённи ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров), Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Н.Рўзиқулов) ва Ўқувчи-ёшлар билан ишлаш бошқармаси (А.Абдуллаев) **бир ҳафта муддатда** таълим-тарбияга бағишланган янги телеканал ташкил этиш бўйича Миллий телерадиокомпанияга таклиф киритсин.

6. Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков), Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муратов) ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқарма бошлиқларига:

2018 йилги Инвестиция дастури лойиҳасига киритилган объектлар бўйича тайёрланаётган лойиҳа-смета ҳужжатларини қисқа муддатда қайтадан танқидий ўрганиб чиқиш;

ҳудудий халқ таълими бошқарув идораларида марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати, халқ таълими тизимида Ички аудит ва молиявий назорат хизмати ҳамда Бино ва иншоотлардан фойдаланиш ишларини мувофиқлаштириш бўлимига фидойи ва салоҳиятли кадрларни ишга қабул қилиш ишларини тугатиш чораларини кўриш;

**бир ой муддатда** умумтаълим мактабларида 2018 йилдан бошлаб, қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича танлов савдоларисиз пудратчи ташкилотларни танлаб олиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитасига таклиф киритиш вазифалари юклатилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқарма бошлиқларига:

**бир ҳафта муддатда** қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланган умумий ўрта таълим мактабларни жойига чиққан ҳолда ўрганиб, қабул қилиш далолатномаларини расмийлаштириш;

**ўн кун муддатда** туман (шаҳар) бўлимларида ижро интизоми ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул ходимлар тўғрисида маълумотлар банкини шакллантириб, мавжуд вакант ўринларни малакали ходимлар билан тўлдириш;

**ҳар ҳафтада тизимли равишда** умумий ўрта таълим муассасалари 10-синф ўқувчиларига касб-ҳунар ўргатиш ва ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларининг тўлақонли фаолиятини доимий назоратга олиш;

**бир ой муддатда** ота-она қарамоғисиз қолган болаларга ўз вақтида васий-ҳомий тайинланишини қатъий назоратга олиш;

ёшлар орасида назоратсизлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида таълим муассасалари, маҳалла ва ички ишлар органларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини самарали ўтказишни ташкил этиш, умумий ўрта таълим мактабидаги фан тўгараги ва

спорт секциялари, “Баркамол авлод” болалар маркази, мусиқа ва санъат мактаби, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, нодавлат ўқув марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва тизимли равишда назорат қилиш;

ўқувчиларнинг **сешанба ва жума кунлари** музейларга боришини, тарихий ва замонавий иншоотларда жадвал асосида “очиқ дарслар” ўтилишини тизимли равишда йўлга қўйилишини ва бунда ўқувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериш;

**бир ой муддатда** назоратсиз юрган ўқувчиларни умумий ўрта таълим мактабидаги фан ва “Ёшлар етакчиси” томонидан ташкил этиладиган тўгаракларга қамраб олиш чораларини кўриш;

ахборот-ресурс марказларида ва барча мактаб кутубхоналарида китобхонлик тадбирлари ҳамда бадиий адабиётлар тақдимотларининг тизимли ўтказилишини йўлга қўйиш;

**ҳар ойда камида икки марта** “Маҳорат мактаби” ва “Методист мактаби” фаолиятини танқидий ўрганиб, уларнинг натижадорлигини ҳар ойда муҳокама қилиш;

васийлик ва ҳомийлик органлари назоратида турган жами **58702 нафар** болаларнинг яшаш шароитларини, уларга тегишли бўлган уй-жой, мол-мулкларни, васий ёки ҳомийларнинг ўз мажбуриятларини бажаришларини белгиланган муддатларда (ҳар 6 ойда 1 маротаба) назорат қилиб борилишини таъминлаш;

ота-она қарамоғисиз қолган вояга етмаганлар тўғрисида 7 кун ичида туман васийлик ва ҳомийлик органига хабар бериш тартибини жорий этиш, хабар берилмаган ҳолатларда Қонунчиликка мувофиқ жазо чораларининг қўлланилишини таъминлаш ва бу борада маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликни кучайтириш;

**ҳар ой якунлари бўйича** ижро интизомининг пасайишига, топшириқларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги ва сифатсиз бажарилишига йўл қўйган ходимларга нисбатан меҳнат қонунчилиги бўйича қатъий интизомий жазо чораларини қўллаш;

“Ёшлар етакчилари” билан ҳамкорликда “Ёш китобхонлар”, “Ёш ихтирочилар”, “Инглиз тили”, “Заковат”, “Мунозара”, “Ёш қаламкашлар”, “Ўқувчи ёшлар театри”, “Ёш ҳунармандлар” каби тўгаракларнинг ташкил этилганлигини, фаолиятини ва уларга ўқувчилар қамровини қатъий назоратга олиш;

“Баркамол авлод” болалар марказлари биноларидан фақат ўқувчилар учун тўгарак машғулотлари ташкил қилиш мақсадида фойдаланишини таъминлаш ва тўгаракларга, айниқса, техник йўналишдаги тўгаракларга болалар қамровини ошириш чораларини кўриш;

умумий ўрта таълим мактаб кутубхоналари, Ахборот ресурс марказлари ва она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари томонидан ўқувчилар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилувчи турли викториналар, мушоиралар, танловлар ўтказилишини таъминлаш;

ушбу буйруқ бандлари ижроси бўйича белгиланган муддатларда тегишлилиги бўйича вазирлик бошқармаларига ҳисобот киритиш вазифалари юклатилсин.

8. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Қ.Бектурдиев, вазир ўринбосарлари Д.Кенжаев, Ж.Сидиқов ва А.Саъдуллаевлар зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2018 йил 20 январь* *21-сон*

## Б У Й Р У Ғ И

### УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ДИРЕКТОРИ ЛАВОЗИМЛАРИГА КАДРЛАР ЗАХИРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УЛАР УЧУН ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 январдаги Таълим, соғлиқни сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари комплекси ва унинг таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг 2018 йилда, шу жумладан I чоракда амалга оширадиган энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Умумий ўрта таълим мактаблари директори лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев) ва А. Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (Н.Рахманкулова) бир ҳафта муддатда:

таълим муассасаларининг раҳбар ходимларини тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида ҳудудлардаги умумтаълим мактаблари директорлари лавозимларига камида бир нафардан ёш, шижоатли, ташаббускор, ташкилотчи, замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллаган, халқ таълими тизимидаги муаммоларни чуқур таҳлил қила оладиган ва уларни бартараф этишни таъминлай оладиган ўқитувчи ва директор ўринбосарларидан кадрлар захирасини (“дублёр“ директор) шакллантириш;

кадрлар захирасига киритилган номзодларни ўқитиш учун босқичма-босқич қисқа муддатли ўқув семинарлари ўтказиш режаси ҳамда ўқув дастурларини тайёрлаш вазифалари юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари умумтаълим мактаблари директорлари лавозимларига кадрлар захираси шакллантириш жараёнида мазкур буйруқнинг 1-иловаси билан тасдиқланган Низом талабларига қатъий риоя этилишини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, кадрлар захирасини шакллантиришда тасдиқланган Низом талабларидан четга чиқиш ҳолатларига йўл қўйган раҳбарларга нисбатан қатъий интизомий жазо чоралари қўлланилади.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Умумий ўрта таълим мактаби*
*директори лавозимларига кадрлар*
*захирасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги*
*низомга 1-илова*

**Умумий ўрта таълим мактаблари**
**директори лавозимларига номзодлар захираси**
**РЎЙХАТИ**

| Т/р | Фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили ва жойи | Фотосурати (3х4 ҳажмда, орқа фони оқ, расмий кийимда) | Мактаб рақами ва эгаллаб турган лавозими | Маълумоти, тамомлаган ўқув муассасаси номи ва санаси, мутахассислиги, педагогик иш стажи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |

Рўйхатга белгиланган шаклдаги маълумотнома илова қилинади.

*Халқ таълими вазирининг*
*2018 йил 20 январдаги*
*21 сонли буйруғига*
*илова*

**Умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

Мазкур Низом умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимларига кадрлар захирасини (кейинги ўринларда кадрлар захираси деб юритилади) шакллантириш ва тасдиқлаш тартибини, кадрлар захирасига номзодларни танлашга ҳамда уларни тизимли тайёрлашга қўйиладиган талабларни белгилайди.

2. Кадрлар захираси умумий ўрта таълим мактабларида бўш турган директор лавозимларига юқори малакали мутахассислар билан ўз вақтида ва тезкорлик билан тўлдириш мақсадида шакллантирилади.

3. Қуйидагилар кадрлар захирасини шакллантиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш самарадорлигини ошириш;

кадрларни тегишли лавозимларга тайинлашда уларнинг кўникиш даврини қисқартириш;

таълим соҳасида юқори малакали мутахассислар тўғрисидаги маълумотлар банкини шакллантириш.

4. Кадрлар захирасини шакллантириш қуйидаги уч босқичда амалга оширилади:

биринчи босқич – кадрлар захирасига номзодларни аниқлаш ва танлаш;

иккинчи боскич – кадрлар захирасини тузиш, келишиш ва тасдиқлаш;

учинчи босқич – кадрлар захираси билан ишлаш, кадрлар захирасига киритилган номзодларни ўқитиш ва босқичма-босқич лавозимларга тайёрлаш.

5. Кадрлар захираси ҳар йили янгидан шакллантирилади. Календарь йили мобайнида бўладиган ўзгаришларга кўра аниқлаштирилади ва тўлдирилади.

**2-боб. Кадрлар захирасини шакллантириш учун номзодларни танлашга қўйиладиган талаблар**

6. Кадрлар захираси умумий ўрта таълим мактаби директори лавозими учун шакллантирилади.

7. Кадрлар захирасини шакллантиришда иқтидорли, фаол етакчилик ва бошқарув қобилиятига эга бўлган камида 1 нафар номзод тавсия этилади.

8. Захира таркибига иқтидорли, фаол, етакчилик ва бошқарув қобилиятига эга бўлган ҳамда таълим соҳасида самарали меҳнат қилаётган ёш ходимлар киритилади.

9. Кадрлар захирасига киритиш учун номзодларга қуйидаги талаблар қўйилади:

22 ёшдан 35 ёшгача бўлиши;

педагогика йўналишида олий маълумот;

мутахассислиги **–** педагогика йўналишига оид бўлиши керак;

чет тилларини ва АКТни билиши (мақсадга мувофиқ).

10. Алоҳида ҳар бир номзод бўйича қуйидагилар баҳоланади:

касбий малака даражаси – (захира шакллантирилаётган лавозимдаги иш йўналишлари, эгаллаб турган лавозими бўйича зарур ахборотларни билиши; ишларнинг натижадорлиги; раҳбарлик ва бошқарув қобилиятига эгалиги; мустақил ва масъулиятни ҳис қилган ҳолда ишлаш қобилияти; иқтидорлилиги, фаоллиги, ташаббускорлиги, ишларнинг мавжуд аҳволини яхшилашга ижодий ёндашув даражаси; янги ишлар ва вазифаларга бўлган муносабати);

тизимли фикрлаш даражаси - (таҳлил қилиш лаёқати; устувор вазифалар ва йўналишларни аниқлаш лаёқати; ахборотларни тизимлаштириш лаёқати; ўз фикрларини пухта ва изчил баён қилиш лаёқати, ташкилотчилик қобилияти, раҳбарлик қобилияти, режалаштириш ва ўз ишларини ташкил қилиш қобилияти ва шу кабилар);

ҳужжатлар билан ишлаш лаёқати (тайёрланаётган ҳужжатлар ва таҳлилий материалларнинг сифати; ҳужжатлар лойиҳаларини эксперт жиҳатидан ишлаб чиқиш даражаси).

**3-боб. Номзодларни танлаш, кадрлар захирасини тузиш, келишиш ва тасдиқлаш**

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасалари ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халк таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари раҳбарлари умумий ўрта таълим

мактаби директори лавозимларига ушбу Низомнинг 2-бобида белгиланган талабларга мувофиқ кадрлар захирасини шакллантиришни таъминлайдилар.

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқармалари раҳбарлари қуйидагиларни амалга оширадилар:

тегишли лавозимлар учун захирага олинаётган номзодларнинг ҳужжатларини пухта ўрганиш ҳамда номзодлар билан якка тартибда суҳбат ўтказиш;

ваколатли вазир ўринбосарлари ҳамда Кадрлар бошқармасининг сўровига кўра кадрлар захирасига киритиш учун номзодлар бўйича зарур ҳужжатлар ва маълумотларни мазкур Низом талаблари доирасида тақдим этиш;

захирага киритилган номзодларни мазкур Низом талабларига қанчалик тўғри келиши юзасидан ваколатли вазир ўринбосарлари ва Кадрлар бошқармасига тақдим қилиш;

захирага киритилган номзодларга интизомий жавобгарлик қўлланилганда, шунингдек судланганда ёки уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилганда тегишли асослантирувчи ҳужжат билан вазирлик Кадрлар бошқармасига уч кунлик муддатда ёзма маълумот бериш.

13. Кадрлар захираси рўйхати мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича тузилади.

14. Номзодларни танлаш натижаларига кўра 10 кунлик муддатда ҳудудий бошқармалар белгиланган талабларга амал қилган ҳолда умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимларига кадрлар захираси рўйхатларини тузади ҳамда Кадрлар бошқармасига тақдим этади.

15. Халқ таълими вазирлигининг Кадрлар бошқармаси захира ҳужжатларини белгиланган тартибда мувофиқлаштириб боради.

## 4-боб. Номзодлар билан ишлаш

16. Захирага олинган номзодлар қонун ҳужжатларига мувофиқ малака ошириш ва стажировкага (тегишли ташкилотларда тажрибасини оширишга) жалб қилиниши мумкин.

17. Кадрлар бошқармаси умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимларига захирага олинган номзодларнинг касби бўйича ўсиши, иш малакасининг ошиши юзасидан доимий мониторингни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари тақдимномасига кўра захирага олинган номзодларга нисбатан тегишли интизомий жавобгарлик

қўлланилганда, шунингдек судланганда ёки уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилганда тегишли захира лавозимларидан чиқариш чораларини кўради.

**5-боб. Якунловчи қоидалар**

18. Ваколатли вазир ўринбосарлари ва Кадрлар бошқармаси амалга оширилган ишлар бўйича Ҳайъат йиғилишларида тегишли ҳисоботлар беради.

19. Кадрлар захирасини шакллантиришнинг сифати, уни тайёрлашни ташкил этиш, кадрлар захирасидаги шахсларнинг касби бўйича ўсиши юзасидан масъулият ваколатли вазир ўринбосарлари ҳамда тасарруфдаги муассасалар ва бошқармалар раҳбарларига юкланади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2018 йил 22 январь* *22-сон*

## Б У Й Р У Ғ И

### 2018-2019 ЎҚУВ ЙИЛИДА 1-СИНФГА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ВА КАСАЛЛИГИ ТУФАЙЛИ ЯККА ТАРТИБДА УЙИДА ТАЪЛИМ ОЛАДИГАН ЎҚУВЧИЛАРНИ ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИГА ВА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚИШКИ ИССИҚ КИЙИМ-БОШ ТЎПЛАМЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги “Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 409-сон қарорига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари уч кун муддатда 2017-2018 ўқув йилида ортиб қолган ўқув қуроллари ва қишки иссиқ кийим-бош тўпламлари сони, уларнинг белгиланган тартибда қайтарилганлиги ва сифатли сақланиши ҳақидаги маълумотларни вазирликнинг Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармасига тақдим этилишини таъминласин.

2. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Н.Рўзиқулов) ва Маънавий-ахлоқий тарбия ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ҳ.Даминов)га:

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари билан биргаликда жорий йилнинг 30 январига қадар 2018-2019 ўқув йилида 1-синфга борадиган ўқувчилар, касаллиги туфайли якка тартибда уйида таълим оладиган болалар ҳамда кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчилар (прогноз) сонини,

улар учун қишки иссиқ кийим-бош тўпламларига эҳтиёж миқдорини аниқлаш ва тасдиқлаш учун раҳбариятга киритиш;

эҳтиёжни аниқлашда 2017-2018 ўқув йилида ортиб қолган ўқув қуроллари ва қишки иссиқ кийим-бош тўпламларини инобатга олиш вазифалари юклатилсин.

3. Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков), Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов), юридик бўлим (С.Миразимов), “Ўқув таълим-таъминот” давлат унитар корхонаси (М.Мирхайдаров)га:

бир ҳафта муддатда 2018-2019 ўқув йилида 1-синфга борадиган ўқувчилар, касаллиги туфайли якка тартибда уйида таълим оладиган болалар учун ўқув қуроллари ҳамда кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчилар учун қишки иссиқ кийим-бош тўпламларини харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш комиссияси (бундан буён Тендер комиссияси деб юритилади) таркибини шакллантириш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга ушбу комиссия таркибига масъул ходим ажратиш бўйича расмий мурожаат қилиш;

тегишли вазирлик ва идоралардан Тендер комиссияси таркибига масъул ходимлар ажратилганлиги тўғрисида расмий жавоб хатлари олингандан сўнг, Тендер комиссияси таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш учун вазирлик раҳбариятига киритиш;

бир ҳафта муддатда Тендер комиссиясининг ишчи органи таркибини келишиш учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплексига киритиш;

ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзбекчармпойафзали” уюшмалари билан ҳамкорликда харид қилиниши режалаштирилган маҳсулотларнинг технологик талабларини ишлаб чиқиб, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик раҳбариятига киритиш;

технологик талаблар тасдиқлангандан сўнг 2018 йилда харид қилинадиган маҳсулотларнинг (ўқув қуроллари ва қишки иссиқ кийим-бош тўпламлари) энг юқори (максимал) нархларини белгилаш учун жаҳон ёки консалтинг фирмасига расмий мурожаат қилиш;

олинган нархлар асосида харид қилиниши режалаштирилган маҳсулотларнинг энг юқори (максимал) нархларини белгилаш бўйича вазирлик раҳбариятига таклиф киритиш;

вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлимлари билан биргаликда 2018-2019 ўқув йилида 1-синфга борадиган ўқувчилар, касаллиги туфайли якка тартибда уйида таълим оладиган болалар учун ўқув

қуроллари ҳамда кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчилар учун қишки иссиқ кийим-бош тўпламлари харид қилиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш бўйича тендер ҳужжати лойиҳасини ишлаб чикиш ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш;

тегишли бошқармалар томонидан аниқланган ва вазирлик раҳбарияти томонидан тасдиқланган 2018-2019 ўқув йилида 1-синфга борадиган ўқувчилар, касаллиги туфайли якка тартибда уйида таълим оладиган болалар учун ўқув қуроллари ҳамда кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчилар учун қишки иссиқ кийим-бош тўпламларининг сони ва белгиланган энг юқори (максимал) нархларидан келиб чиқиб, ушбу мақсадлар учун зарур бўлган маблағлар миқдорини Молия вазирлигига киритиш вазифалари юклатилсин.

4. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Қ.Бектурдиев ва вазир ўринбосарлари Ж.Сидиқов, Д.Кенжаевлар зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2018 йил 26 январь* *23-сон*

## Б У Й Р У Ғ И

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2018 ЙИЛ 22 ЯНВАРДАГИ “2017-2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ “ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ПФ-5308-СОН ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАҚИДА

Бугунги кунда халқ таълими тизими олдига қўйилаётган долзарб вазифаларни тўлақонли бажариш, самарадорлиги ва натижавийлигига эришиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажариш, тизимдаги ҳар бир раҳбар ва масъул ходимларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сон Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнииг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегия-

сини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тармоқ дастури (бундан буён матнда тармоқ дастури деб юритилади) 1-иловага, тармоқ дастури ижросини мувофиқлаштириб бориш бўйича ишчи гуруҳ (бундан буён матнда ишчи гуруҳи деб юритилади) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар:

Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Қ.Бектурдиев, вазир ўринбосарлари Д.Кенжаев, Ж.Сидиқов, А.Саъдуллаевлар - тармоқ дастурини амалга ошириш учун;

Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-методик жараённи ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б.Ходжаев - тармоқ дастури ижросини мувофиқлаштириб бориш учун масъул этиб белгилансин.

4. Тармоқ дастурини амалга ошириш бўйича масъулларга:

тармоқ дастурининг ижроси бўйича доимий ички мониторингни амалга ошириш, тадбирларнинг ижро этилиши тўғрисидаги батафсил ахборотни тайёрлаш ва тармоқ дастурига киритилган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан назоратни, шунингдек, амалга оширилган ишлар тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чоракда тақдим этилишини таъминлаш ҳамда ҳар ойда (ёки сўровга кўра) тегишли ваколатли вазирлик ва идораларга такдим этиб бориш;

сўраладиган статистик ва бошқа зарурий маълумот ҳамда ҳужжатларнинг ўз вақтида такдим этилишини, ташкил этиладиган тадбирларда вазирлик ҳамда унинг тизимидаги ташкилот ва муассасалар мутахассисларининг фаол иштирок этишларини таъминлаш;

зарур ҳолларда тармоқ дастуридаги тадбирлар ижроси билан боғлиқ таҳлилий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнига малакали мутахассисларни жалб қилиш вазифалари юклатилсин.

5. Ишчи гуруҳ (Қ.Бектурдиев) чора-тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

Ҳаракатлар стратегиясини 2019-2021 йилларда амалга ошириш бўйича йиллик дастурлар лойиҳаларига таклифлар тайёрлаш вазифалари юклатилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларига:

бир ҳафта муддатда тармоқ дастури асосида ўзларининг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

тармоқ дастурида назарда тутилган тадбирларнинг туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ва таълим муассасаларида сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан уларнинг раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини оширсин;

Давлат ва тармоқ дастурларининг мазмун-моҳиятини барча умумий ўрта таълим муассасалари педагогик жамоалари ва ота-оналар иштирокидаги давра суҳбатлари ва ўқувчилар билан ўтказиладиган тарбиявий соатларда кенг тушунтириб борсин;

тармоқ дастурига киритилган тегишли вазифалар ва тадбирлар ижросининг тўлиқ, сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини ташкилот даражасида аниқ, пухта мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, тизимли назорат ўрнатсин ва мониторингини олиб борсин.

7. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-методик жараённи ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров), Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари фаолиятини ташкил этиш бошқармаси (И.Акбаров), Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов), Юридик бўлим (С.Миразимов) тармоқ дастурида назарда тутилган тизимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда тасдиқлаш учун киритилишини назорат қилсин ҳамда унинг натижалари тўғрисида вазирлик раҳбариятига ҳар чоракда ахборот бериб борсин.

8. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов)га Тармоқ дастури ижросини таъминлаш учун зарурий шарт-шароитлар яратиш, Республика таълим маркази (М.Эсанов)га мониторинг ишларини олиб бориш учун халқ таълими вазирлигига бир нафар мутахассисни ўрнатилган тартибда хизмат сафарига юборишни таъминлаш вазифаси юклатилсин.

9. Матбуот котиби (Б.Шайвалиев), “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари таҳририяти (Ҳ.Нишонов)га:

тармоқ дастурида белгиланган вазифалар ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг ёритиб бориш;

тармоқ дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳақидаги холис, тўлиқ маълумотларни кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказиш, эришилган натижалар ҳақидаги маълумотларни веб-сайтларда жойлаштирилишини таъминлаш тавсия этилсин.

10. Тармоқ дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг бирламчи вазифаси ва асосий фаолият йўналиши эканлиги;

"Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши шарт" деган қоидани рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилиши белгилаб қўйилсин.

11. Вазирликнинг барча бошқарма ва бўлим бошлиқлари тармоқ дастури тегишли бандларининг ижроси бўйича ҳисоботларни ҳар ойнинг 20-санасидан кечиктирмасдан тармоқ дастури ижросини мувофиқлаштириб бориш учун масъул ходим (Б.Ходжаев)га тақдим этилишини таъминласин.

12. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг*
*2018 йил 26 январдаги*
*23-сонли буйруғига 1-илова*

## 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тармоқ дастури

| Д.д. т/р | Т.д т/р | Тадбирлар номи | Муддати | Масъуллар | Сарф харажат | Молиялаштирувчи манбаалар | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа | ХТВ ижрочи Масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | | | | | | | |
| **1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш** | | | | | | | | |
| 11. | 1. | Давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув кадрлари салоҳиятини баҳолашнинг янги усулларини жорий қилиш. | 2018 йил 30 октябрь | Давлат бошқаруви академияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, **вазирлик** ва идоралар | - | - | Чора-тадбирлар режаси.<br>Режада:<br>бошқарув кадрлари захирасини шакллантириш тизимини такомиллаштириш;<br>бошқарув кадрларини танлаш, тайинлаш ва лавозимини ўзгартиришда субъектив омилларни кескин қисқартириш;<br>бошқарув кадрларини “Assessment-centre” услуби асосида баҳолаш амалиётини жорий қилиш;<br>давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув кадрларини инновацион менежмент йўналишида малакасини ошириш назарда тутилади. | Қ.Бектурдиев, Б.Шамсиев, К.Иноқов, С.Миразимов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 12. | 2. | Номарказлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқаруви ҳудудий органларининг ваколатларини кенгайтириш. | 2018 йил 1 октябрь | Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, **вазирлик** ва идоралар | - | - | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.<br>Лойиҳаларда:<br>Вазирлар Маҳкамасининг рухсат бериш ва лицензиялаш функцияларини бошқа мутасадди вазирлик ва идораларга ўтказиш;<br>вертикал бошқарув тизими ва ижро ҳокимияти органлари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайдиган усул ва услубларни такомиллаштириш;<br>республика давлат бошқаруви органлари томонидан амалга ошириладиган рухсат бериш ва лицензиялаш функцияларининг бир қисмини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда давлат бошқаруви ҳудудий органларига ўтказиш назарда тутилади. | Қ.Бектурдиев, Ж.Сиддиқов, Н.Муротов, С.Миразимов |
| 14. | 3. | Инновацион технологияларни қўллаш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг юқори сифати, тезкорлиги, очиқлигини таъминлаш, аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини ошириш. | 2018 йил 1 март | Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзавтосаноат, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, | | Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳа билан чора-тадбирлар дастури тасдиқланади.<br>Дастурда:<br>Давлат хизматлари марказларини инфокиосклар билан таъминлаш, уларда электрон навбат тизими ва масофадан туриб видеокузатув тизимини жорий этиш;<br>давлат хизматларини алоқа воситаларидаги мобил иловалар орқали кўрсатиш имкониятини яратиш, аҳоли билан қайта алоқанинг самарали воситаларини амалга киритиш; | А.Саъдуллаев, Қ.Сайтов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 14. | | | | вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, **вазирлик** ва идоралар | 30,0 млрд.сўм | **вазирлик** ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари | олис ҳудудларда яшовчи аҳолига мобиль давлат хизматлари марказлари (махсус автотранспорт воситалари) орқали давлат хизматларини кўрсатиш амалиётини жорий этиш назарда тутилади. | |
| 15. | 4. | Жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган давлат хизматлари тизимлаштирилишини назарда тутувчи Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш. | 2018 йил 1 март | Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, **вазирлик** ва идоралар | – | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган барча давлат хизматларини хатловдан ўтказиш натижаси бўйича уларнинг ягона реестрини шакллантириш;<br>реестрга киритилмаган давлат хизматларини кўрсатиш тақиқланиши назарда тутилади. | А.Саъдуллаев, К.Иноқов, Қ.Сайтов |
| 16. | 5. | Давлат хизматлари марказларида “ягона дарча” тамойили асосида қўшимча равишда юридик шахсларга 40 турдаги, жисмоний шахсларга 19 турдаги давлат хизматларини кўрсатиш тартибини жорий этиш. | 2018 йил 10 март | Адлия вазирлиги, **вазирлик** ва идоралар | – | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳа билан “йўл харита”си тасдиқланади ва амалий чора-тадбирлар амалга оширилади.<br>Бунда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Давлат хизматлари марказлари биноларининг ҳамда идоралараро электрон ахборот алмашиш тизимининг имкониятларидан келиб чиқиб, янги жорий этиладиган давлат хизматларини “ягона дарча” тамойили асосида марказлар орқали кўрсатиш назарда тутилади. | А.Саъдуллаев, К.Иноқов, Қ.Сайтов |
| | | | | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, | | Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда:<br>маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш;<br>бошқарув жараёнларини автоматлаштириш; | А.Саъдуллаев, Қ.Сайтов, К.Иноқов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 17. | 6. | Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятига “Электрон ҳукумат” тизимини ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш. | Йил давомида | Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, **вазирлик** ва идоралар | Ҳисоб-китобларга асосан | **вазирлик** ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари | ҳудудлар ва мамлакат миқёсида юзага келаётган таҳдид ҳамда муаммоларга ўз вақтида ва муносиб таъсир кўрсатиш учун ахборот алмашишнинг самарали тизимини шакллантиришлари амалга оширилади. | |
| 18. | 7. | Давлат бошқарув органлари тизимини тубдан такомиллаштириш. | Йил давомида | Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, **вазирлик** ва идоралар | – | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.<br>Лойиҳаларда:<br>давлат органларининг турлари (вазирлик, давлат қўмитаси, агентлик, инспекция, марказ ва ҳ.к.), фарқланувчи жиҳатлари ва вазифалари;<br>давлат органларига хос бўлган махсус вазифалар доираси;<br>вазифалари ўзаро такрорланувчи вазирлик ва идораларни мақбуллаштириш ҳамда бирлаштириш;<br>агентликлар, қўмиталар, инспекциялар ва марказларни тегишли вазирликларга бўйсундириш;<br>давлат бошқарув органларининг ягона рўйхатини белгилаш;<br>бошқарувнинг инновацион шаклларини жорий этиш;<br>давлат вазифаларини тадбиркорлар ва жамоатчиликни тенг ҳамкор сифатида жалб этган ҳолда бажариш механизмларини такомиллаштириш;<br>Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг ижро этувчи аппаратидан вазирликларга ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига,<br>Республика бошқарув органларидан ҳудудий органларга ўтказилаётган функциялар доираси назарда тутилади. | Қ.Бектурдиев, Ж.Сиддиқов, Н.Муротов, С.Миразимов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 19. | 8. | Ижро этувчи ҳокимият органлари сони, улар тузилмаси ва бўлинмалари оптималлаштирилиши муносабати билан ушбу органларнинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги доирасини қайта кўриб чиқиш. | Йил давомида | Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, **вазирлик** ва идоралар | | | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.<br>Лойиҳаларда:<br>республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш;<br>ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудий тузилмалари ўртасида мавжуд штат бирликларини оқилона тақсимлаш, улар масъулияти доирасини аниқ белгилаш;<br>ташкилий-штат тузилмасининг иқтисодиёт ва жамиятнинг реал эҳтиёжларига, ҳар бир ижро этувчи ҳокимият органининг янги вазифалари, функциялари ва фаолиятининг устуворлигига мувофиқлигини таъминлаш;<br>ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини режалаштириш ва улар фаолиятини баҳолаш мезонлари;<br>ижро этувчи ҳокимият органларининг такрорловчи таркибий тузилмалари ва муассасаларини, шунингдек, вазифа ҳамда функциялари хусусий секторга ўтказиладиган таркибий тузилмаларни қисқартириш назарда тутилади. | С.Миразимов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 20. | 9. | Давлат-ҳокимият ваколатлари берилган идоралараро коллегиал органлар (комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳлар ва бошқалар) ни тубдан қисқартириш. | 2018 йил 20 июнь | Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, **вазирлик** ва идоралар | | | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.<br>Лойиҳаларда:<br>идоралараро коллегиал органлар (комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳлар ва бошқалар)нинг вазифа, функция ва ваколатларини таҳлил қилиш ҳамда самарадорлигини баҳолаш;<br>доимий характерга эга давлат-ҳокимият ваколатларини аниқ давлат органига ўтказиш ва қабул қилинаётган қарорлар учун шахсий жавобгарликни юклаш орқали уларнинг сонини тубдан қисқартириш назарда тутилади. | С.Миразимов |
| 23. | 10. | Давлат хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминоти тизимини такомиллаштириш. | 2018 йил 1 август | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси, **вазирлик** ва идоралар | Ҳисоб-китобларга асосан | Давлат бюджети маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимларига иш ҳақларини базавий тариф ставкалари асосида тўлашга ўтказиш;<br>Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари фаолияти самарадорлиги натижасидан келиб чиқиб, рағбатлантириш чораларини кўриш;<br>давлат идораларида кўп йиллик хизмат қилгани учун ойлик иш ҳақига устамалар тўлаш тизимини бирхиллаштириш;<br>идоравий уй-жойлар қуриш дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилади. | Ж.Сиддиқов, Н.Муротов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 24. | 11. | Назорат ваколатига эга ижро этувчи ҳокимият органларини уларнинг назорати остидаги хўжалик бошқарув органлари ҳисобидан молиялаштириш амалиётидан воз кечиш. | 2018 йил 1 апрель | Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, **вазирлик** ва идоралар | – | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.<br>Лойиҳаларда назорат ваколатига эга ижро этувчи ҳокимият органларини "Ўздавнефтгазинспекция", "Ўздавэнергоназорат" ва бошқалар) уларнинг назорати остидаги хўжалик бошқарув органлари ("Ўзбекнефтгаз" АЖ, "Ўзбекэнерго" АЖ ва бошқалар) ҳисобидан молиялаштириш тартибини бекор қилиш ҳамда уларни тўғридан-тўғри давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш назарда тутилади. | Ж.Сиддиқов, Н.Муротов |
| **1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш** | | | | | | | | |
| 30. | 12. | Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида барча давлат органларида жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш. | 2018 йил 10 апрель | Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, **вазирлик** ва идоралар | – | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.<br>Лойиҳаларда:<br>давлат органларида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш;<br>давлат органлари фаолиятининг янада халқчил ва демократик бўлишини таъминлаш чоралари;<br>давлат органларига фуқаролик жамияти институтларидан келиб тушган лойиҳаларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаат этувчиларни эшитишда иштирок этиш;<br>давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш вазифалари назарда тутилади. | Д.Кенжаев, К.Иноқов, С.Миразимов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 36. | 13. | Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш. | 2018 йил 20 август | Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, **вазирлик** ва идоралар | – | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.<br>Лойиҳаларда:<br>ННТларга ижтимоий шериклик доирасида давлат мулкини бепул ёки имтиёзли шартлар асосида бериш; ижтимоий шерикликни қўллаб-қувватлаган жисмоний ва юридик шахслар учун солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар жорий этиш назарда тутилади. | Ж.Сиддиқов, Н.Муротов, С.Миразимов |
| 41. | 14. | Давлат бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашнинг қўшимча механизмларини жорий этиш. | 2018 йил 20 сентябрь | Олий Мажлис Қонунчилик палатаси (келишув асосида), Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, **вазирлик** ва идоралар | – | – | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси.<br>Лойиҳада давлат органларининг веб-сайтларига улар томонидан амалга оширилаётган бюджет харажатлари ҳақида тўлиқ маълумотларни жойлаштириш мажбурийлиги назарда тутилади. | Ж.Сиддиқов, Н.Муротов, Қ.Сайтов, С.Миразимов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | | | | | | | |
| **2.3. Маъмурий, жиноят ва фуқаролик процессуал қонунчиликни такомиллаштириш** | | | | | | | | |
| 64. | 15. | Жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг сабаблари ва юзага келиш шарт-шароитларини комплекс бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш. | 2018 йил 1 ноябрь | Бош прокуратура, ИИВ, МХХ, ДБҚ, ДСҚ, Адлия вазирлиги, **вазирлик** ва идоралар | – | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳа билан комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланади.<br>Дастурда:<br>коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;<br>дастлабки терговда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида коррупцияга оид жиноят ишларининг терговга тааллуқлилиги масаласини қайта кўриб чиқиш;<br>жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;<br>таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва бошқа соҳаларда коррупциянинг олдини олиш;<br>коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;<br>коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий чоралар, тадқиқотлар ўтказиш, халқаро ҳамкорлик масалалари назарда тутилади. | Ж.Сиддиқов, Д.Кенжаев, И.Ғиёсов |
| 67. | 16. | Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида **“Фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2018 йил 10 октябрь | Адлия вазирлиги, ИИВ, **Халқ таълими вазирлиги,** ТИВ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди | – | – | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси.<br>Лойиҳада эр-хотинлар, болалар, ота-оналар ҳуқуқларини таъминлаш масалалари, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш тартиби ва никоҳ-оила муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа муносабатларни тартибга солиш назарда тутилади. | Д.Кенжаев, Ҳ.Даминов, С.Миразимов |

| 2.6. Ҳуқуқий ёрдам ва юридик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 80. | 17. | Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни, қонун ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат муносабатини шакллантириш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш. | 2018 йил 1 февраль | Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, МТРК, Матбуот ва ахборот агентлиги, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, **Халқ таълими вазирлиги,** ИИВ, вазирлик ва идоралар | – | – | Идоравий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳа билан чора-тадбирлар дастури тасдиқланади.<br>Дастурда:<br>амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янгиланишлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш;<br>ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни, қонун ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат муносабатини шакллантириш;<br>фуқароларда юз бераётган, айниқса, жамоатчиликнинг юқори қизиқишини уйғотган воқеаларнинг моҳияти бўйича холис фикрни шакллантириш ҳамда нотўғри маълумотлардан бузғунчи ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланиш имкониятини бартараф этиш учун аҳолини бундай ҳодисалар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш;<br>фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият қурилишининг долзарб вазифаларини ҳал этишга жамиятнинг интеллектуал ва маънавий-ахлоқий салоҳиятини сафарбар этиш масалалари назарда тутилади. | Д.Кенжаев, Ҳ.Даминов, Б.Шайвалиев, С.Миразимов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **III. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | | | | | | | |
| **3.1. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш** | | | | | | | | |
| 81. | 18. | Илғор ғоя, ноу-хаулар яратиш ва “ақлли” технологияларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган иқтисодиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш. | 2018 йил 1 июль | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Энергия тежаш миллий компанияси, **вазирлик** ва идоралар, хўжалик бошқарув органлари | – | Бюджет маблағлари, инвестициялар, кредитлар, грантлар ва бошқа маблағлар | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳа билан Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича миллий дастур тасдиқланади.<br>Дастурда:<br>инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва институционал асосларини яратиш;<br>инновацион ишланмаларни яратиш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва жиҳозлар билан маҳаллий инноватор ва ихтирочиларни доимий равишда таъминлаш тизимини йўлга қўйиш;<br>иқтисодиётни бошқаришнинг янги механизмларини, замонавий ва илғор технологик ёндашувларни жорий этиш;<br>инновациялардан фойдаланувчи, рақамли технологиялар киритилишини жадаллаштирувчи, муқобил энергия манбаларини жорий қилувчи, ишлаб чиқаришнинг экологик тоза услубларини йўлга қўядиган субъектларни рағбатлантириш;<br>иқтисодиёт тармоқлари самарадорлигини баҳолашнинг инновацион мезонларини жорий этиш назарда тутилади. | Ж.Сиддиқов, Н.Муротов, И.Ғиёсов |
| **3.3. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш** | | | | | | | | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 102. | 19. | Мамлакатимиздаги моддий маданий мерос объектларида ва улар атрофидаги объектларда тегишли инфратузилмани шакллантириш, амалга ошириладиган диний маросимлар учун тегишли шароитларни яратиш орқали зиёрат туризмини соҳанинг истиқболли йўналиши сифатида ривожлантириш. | 2018 йил 30 март | Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзстандарт” агентлиги, **вазирлик** ва идоралар | – | – | Чора-тадбирлар режаси.<br>Режада:<br>зиёрат туризми бўйича хизмат кўрсатиш объектлари томонидан қўлланиладиган стандартларни қабул қилиш, сайёҳларни кенг жалб қилиш учун зарурий инфратузилмани шакллантириш, зиёратчилар учун хизмат кўрсатишнинг мақбул турларини жорий этиш;<br>зиёрат туризмига сайёҳларни жалб қилиш борасида янги маршрутларни ишлаб чиқиш ва тарғибот қилиш назарда тутилади. | А.Саъдуллаев, А.Абдуллаев, А.Алимов |
| **3.5. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш** | | | | | | | | |
| 134. | 20. | Давлат-хусусий шериклик муносабатларини жорий этишнинг ҳуқуқий ва институционал базасини шакллантириш. | 2018 йил 20 сентябрь | Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, **вазирлик** ва идоралар | – | Халқаро молия институтлари инвестициялари, кредитлари, грантлари ва бошқа маблағлар | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.<br>Лойиҳаларда иқтисодиётнинг кўп харажатли тармоқлари (муҳандислик-коммуникация ва йўл инфратузилмаси ва бошқалар) ҳамда таълим ва соғлиқни сақлаш каби ижтимоий соҳаларда инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш борасида давлат ва хусусий инвесторларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйишга имкон берадиган давлат-хусусий шерикликни кенг жорий этиш назарда тутилади. | Ж.Сиддиқов, Н.Муротов, И.Ғиёсов, С.Миразимов |
| **3.6. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш** | | | | | | | | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 136. | 21. | Ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни, жумладан, давлат-хусусий шерикликни кучайтириш орқали тўлиқ амалга ошириш. | 2018 йил 1 ноябрь | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, **вазирлик** ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | – | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш параметрлари;<br>“Ақлли шаҳар”, “Ақлли маҳалла”, “Ақлли уй” ва “Ақлли ҳокимият” концепцияларини ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш назарда тутилади. | Ж.Сиддиқов, Н.Муротов, Ф.Узаков |
| **IV. ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ** | | | | | | | | |
| **4.1. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш** | | | | | | | | |
| 140. | 22. | Давлат томонидан ногиронлиги бўлган шахсларга бепул тақдим этиладиган протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари турларини кўпайтириш ҳамда уларнинг тегишли стандартларини жорий қилиш. | 2018 йил 1 апрель | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, **Халқ таълими вазирлиги,** Мактабгача таълим вазирлиги | 5,0 млрд. сўм | Давлат бюджети маблағлари | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.<br>Лойиҳаларда:<br>Ногиронлиги бўлган шахсларга бепул бериладиган протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари рўйхатини кенгайтириш, уларни ушбу воситалар билан таъминлаш учун тиббий хулоса тузишда ногиронлиги бўлган шахсларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш тартибини соддалаштириш;<br>сифатли протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш; | Д.Кенжаев, Х.Даминов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқариш бўйича давлат стандартларини жорий қилишга оид чора- тадбирлар назарда тутилади. | |
| 143. | 23. | **“Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2018 йил 1 август | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, **Халқ таълими вазирлиги,** Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази | – | – | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талаблари ва халқаро стандартларни миллий қонунчиликка татбиқ қилиш, шунингдек, “ногирон” тушунчаси ўрнига “ногиронлиги бўлган шахс” тушунчасидан фойдаланиш;<br>Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари;<br>Давлат органларининг ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари;<br>Ногиронликни аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг таълим олиши ва ишга жойлашишига кўмаклашиш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг замонавий шакл ва механизмларини белгилаш;<br>ногиронликни белгилашда қўлланилаётган усулларни тубдан такомиллаштириш ва бошқа қоидалар назарда тутилади. | Д.Кенжаев, Ҳ.Даминов, А.Муталиев, С.Миразимов |
| **4.3. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш** | | | | | | | | |
| 167 | | | | | | | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>илмий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принциплари ва қўллаб-қувватлаш шакллари;<br>илмий ғоялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 167. | 24. | **“Фан тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2018 йил 20 март | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, **вазирлик** ва идоралар | – | – | илмий-тадқиқот муассасаларининг вазифалари ва функциялари, уларни самарали бошқариш, молиялаштириш, моддий-техника таъминоти ва имтиёзлар;<br>халқаро ҳамкорлик ва чет эл инвестицияларини жалб этиш, илмий кадрларга қўйилган замонавий талаблар, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси, фан, таълим ва амалиёт уйғунлигини таъминлашга оид қоидалар назарда тутилади. | Қ.Бектурдиев, Н.Рўзиқулов, А.Насиров, С.Миразимов |
| 168. | 25. | **“Инновацион фаолият тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2018 йил 20 февраль | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, **вазирлик** ва идоралар | – | – | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принциплари ва қўллаб-қувватлаш шакллари;<br>инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;<br>халқаро ҳамкорлик, инновацияларни амалиётга жорий этишга оид қоидалар назарда тутилади. | Қ.Бектурдиев, Н.Рўзиқулов, А.Насиров, С.Миразимов |
| 169 | 26. | Ўзбекистон ёшлари хориждаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқотда бўлишини таъминлаш мақсадида Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё ёшлари форумини ўтказиш. | 2018 йил 10 июнь | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Маданият вазирлиги, ТИВ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, **Халқ таълими вазирлиги,** Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги | – | – | Вазирлар Маҳкамаси фармойиши.<br>Фармойиш билан чора-тадбирлар дастури тасдиқланади.<br>Дастурда:<br>Марказий Осиё форумини ўтказиш бўйича ташкилий тадбирлар;<br>ёшларнинг хорижий тенгдошлари билан бўладиган мулоқотда эътибор қаратиладиган асосий масалалар;<br>форум доирасида ўтказиладиган ҳар бир тадбирнинг режаси, молиялаштириш манбалари назарда тутилади. | А.Саъдуллаев, А.Абдуллаев, Д.Ташпулатов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 172. | 27. | **“Таълим тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2018 йил 20 июль | Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, **Халқ таълими вазирлиги,** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар | – | – | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари;<br>нодавлат таълим хизматларини ташкил этиш ва фаолиятни лицензиялаш;<br>таълим тизимида давлат-хусусий шерикчиликнинг асосий қоидалари ва йўналишлари;<br>таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар тизимини такомиллаштириш;<br>таълим жараёнини замонавий-лаштиришга оид бошқа қоидалар белгиланади. | Қ.Бектурдиев, Д.Кенжаев, Ж.Сиддиқов, А.Саъдуллаев, А.Насиров, Н.Рўзиқулов, С.Миразимов |
| 173. | 28. | Ёшларни касбга тайёрлаш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида бериладиган касблар бўйича малака талабларини ишлаб чиқиш. | 2018 йил 1 апрель | **Халқ таълими вазирлиги,** Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги | 20,0 млрд. сўм | Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда:<br>умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига бериладиган касблар бўйича замонавий малака талабларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;<br>ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилган 489 та синфларни жиҳозлаш назарда тутилади. | Қ.Бектурдиев, И.Акбаров, С.Миразимов |
| 174. | 29. | Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбар ва ўқитувчиларининг иш вақти меъёрларини қайта кўриб чиқиш асосида ортиқча ҳисоботларни камайтириш, таълимни бошқариш органлари ва раҳбарлари, шунингдек, | 2018 йил 30 июль | **Халқ таълими вазирлиги,** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, | – | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.<br>Лойиҳаларда:<br>ўқитувчилар иш вақти меъёрларини белгилашга оид амалдаги ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш асосида ортиқча қоғозбозлик ва ҳисоботбозликка чек қўйиш; | Қ.Бектурдиев, Д.Кенжаев, Ж.Сиддиқов, А.Саъдуллаев, А.Носиров, Н.Рўзиқулов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бошқа ташкилотлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилмаган ҳисоботлар ва қўшимча маълумотларни талаб қилишга барҳам бериш. | | Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Республика маънавият ва маърифат маркази | | | ўқитувчиларнинг ўз устида ижодий ишлаши ҳамда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш орқали таълим-тарбия сифатини ошириш учун шарт-шароит назарда тутилади. | |
| 175 | 30. | Республикадаги 335 та умумий ўрта таълим мактабининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда мактабларни мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан таъминлаш. | 2018 йил 1 март | **Халқ таълими вазирлиги,** Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги | 723,8 млрд сўм | Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Лойиҳа билан манзилли дастур тасдиқланиб, қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилади. | Ж.Сиддиқов, Н.Муротов, Ф.Узоков, И.Ғиёсов |
| 177 | 31. | Халқ саводхонлигини кўтариш, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида миллий бойлик ҳисобланган тилнинг ролини ошириш. | 2018 йил 20 октябрь | Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, **Халқ таълими вазирлиги,** вазирлик ва идоралар | – | – | Амалий чора-тадбирлар. Давлат идоралари, корхона, муассаса ва ташкилотларда “оммавий диктант” тадбири ўтказилиб, ўзининг саводхонлик кўрсаткичини аниқлашни хоҳловчи фуқаролар унда ихтиёрий равишда қатнашади. | Д.Кенжаев, Н.Рўзиқулов, Ҳ.Даминов |
| **4.4. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш** | | | | | | | | |
| 178. | 32. | Шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг бош режалари ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинларининг меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича дастур ишлаб чиқиш. | 2018 йил 30 январь | Даврархитектқурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, **вазирлик** ва идоралар | – | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада: 2018–2022 йилларда 138 та шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режалари ҳамда 2018-2019 йилда 55 та қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш; ҳудудларда қурилиши режалаштирилаётган ижтимоий объектларни лойиҳалаштиришда эски қолиплардан воз кечиб, инновацион ёндашувларни жорий этиш назарда тутилади. | Ж.Сиддиқов, Н.Муротов, Ф.Узоков, И.Ғиёсов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **4.5. Маданият ва спорт соҳасини янада ривожлантириш** | | | | | | | | |
| 191 | 33. | Ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш. | 2018 йил 1 июнь | Маданият вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия **вазирлиги,** вазирлик ва идоралар | Ҳисоб-китобларга асосан | Давлат бюджети маблағлари | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатадиган ахборот-кутубхона муассасалари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ушбу муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга оид қоидалар белгиланади. | Д.Кенжаев, Ҳ.Даминов, А.Муталиев, А.Алимов |
| **V. ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА АМАЛИЙ ТАШҚИ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР** | | | | | | | | |
| **5.1. Хавфсизлик, диннй бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар** | | | | | | | | |
| 201. | 34. | Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш. | 2018 йил 20 февраль | Мудофаа вазирлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси (келишув асосида), МХХ, Миллий гвардия, ИИВ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти , **вазирлик** ва идоралар | – | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳа билан чора-тадбирлар дастури тасдиқланади.<br>Дастурда йил давомида:<br>ҳарбий хизматчилар, жамият ва хорижий ҳамкорлар ўртасида, давлатимиз мудофаа сиёсатининг асосий принципларини етказиш бўйича унинг очиқлигига ва хорижий давлатлар билан мудофаа ва хавфсизлик соҳаларида конструктив ҳамкорлик ва алоқаларни ривожлантириш устуворлигига урғу берган ҳолда кенг тушунтириш ишларини амалга ошириш; амалдаги қонунчиликка, жумладан, “Мудофаа тўғрисида”ги, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, тегишли идоравий ҳужжатларни қайта ишлаш назарда тутилади. | Қ.Бектурдиев, А.Носиров |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 202. | 35. | Мудофаа-саноат комплексини шакллантириш ва ривожлантириш орқали давлатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш. | 2018 йил 1 апрель | Мудофаа саноати давлат қўмитаси, Мудофаа вазирлиги, МХХ, ФВВ, ИИВ, Миллий гвардия, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, **вазирлик** ва идоралар | – | – | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.<br>Лойиҳада мудофаа-саноат комплексини шакллантириш ва ривожлантириш Давлат дастури тасдиқланади.<br>Давлат дастурида:<br>илмий-ишлаб чиқариш базаси, хизмат кўрсатиш марказлари ҳамда қўшма корхоналарни ташкил этиш;<br>маҳаллий корхоналар негизида ҳарбий ва икки хил мақсадда ишлатиладиган маҳсулотлар айрим турларини маҳаллийлаштиришни жорий этиш;<br>мазкур соҳада мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида ҳал этилиши лозим бўлган чора-тадбирлар назарда тутилади. | Қ.Бектурдиев, Н.Рўзиқулов |
| 207. | 36. | Экстремизм ғоялари таъсирига адашиб тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш тизимини такомиллаштириш. | 2018 йил 30 июнь | ИИВ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Дин ишлари бўйича қўмита, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Республика маънавият ва маърифат маркази, **вазирлик** ва идоралар | – | – | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>терроризм ва диний экстремизмга алоқадор фуқароларни, айниқса, ёшларни соғлом ҳаётга қайтариш, аҳоли ўртасида зарарли диний ғоялар таъсирига тушиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича ишларни жадаллаштириш;<br>мазкур ишларда маҳалла фуқаролар йиғинлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа идоралар томонидан кафилликка олиш институтининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва амалиётда қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш;<br>ушбу тоифадаги шахсларнинг бандлиги, таълим олиши, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш назарда тутилади. | А.Саъдуллаев, А.Алимов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 210. | 37. | Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепциясини тасдиқлаш. | 2018 йил 1 март | Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Адлия вазирлиги, **вазирлик** ва идоралар | – | – | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.<br>Қарор билан Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепцияси тасдиқланади.<br>Концепцияда:<br>миллатлараро муносабатлар соҳасига оид норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;<br>миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда бошқарув ва ҳукумат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини такомиллаштириш;<br>кўпмиллатли ягона оила муҳитини мустаҳкамлаш,<br>ёшларни миллий<br>ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда<br>мамлакатимизнинг тинчликсевар сиёсатини кенг тарғиб этиш;<br>миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасида хорижий давлатлар билан дўстлик алоқаларини ўрнатиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтириш назарда тутилади. | Қ.Бектурдиев, Д.Тошпўлатов, С.Миразимов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 211 | 38. | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарларининг фаолиятини танқидий таҳлил қилиш ва иш самарадорлигини ошириш. | 2018 йил 30 сентябрь | Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Дин ишлари бўйича қўмита, МХХ, ИИВ, **вазирлик** ва идоралар | – | – | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда:<br>ҳоким ўринбосарларининг соҳага оид билим ва кўникмаларни ошириш бўйича ўқувлар ташкил этиш;<br>ҳоким ўринбосарлари томонидан ўз фаолияти юзасидан ярим йиллик ва йиллик ҳисоботлар тақдим этишни йўлга қўйиш;<br>ҳоким ўринбосарлари томонидан диний масалаларни ҳал этишда ягона сиёсат олиб борилишини таъминлаш;<br>ҳоким ўринбосарларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлигини фаоллаштириш;<br>ҳоким ўринбосарларининг маънавий, миллий қадриятларга, диний эътиқодга таҳдид солувчи мафкуравий хавфларга, ёт ғояларни тарқатишга қарши кураш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилади. | Д.Кенжаев, Ҳ.Даминов |
| 214. | 39. | Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва аҳолининг экологик маданиятини ошириш борасида таъсирчан чоралар кўриш. | 2018 йил 1 август | Давлат экология қўмитаси, вазирлик ва идоралар | – | – | Норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси:<br>Лойиҳа билан Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида 2019-2023 йилларга мўлжалланган концепция тасдиқланади.<br>Концепцияда экологик тизимларни сақлаш ва яхшилаш, аҳолининг экологик хавфсиз яшашини таъминлашга эришиш назарда тутилади. | А.Саъдуллаев, А.Алимов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **5.2. Ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар** | | | | | | | | |
| 217. | 40. | Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда **БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияси** лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2018 йил 10 ноябрь | Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, ТИВ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Дин ишлари бўйича қўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, **Халқ таълими вазирлиги**, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти | – | – | Конвенция лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш;<br>ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, улардан фойдаланиш кафолатлари; халқаро стандартлар асосида таълим олиши, инновацион технологиялар, изланишлар ва илғор тажрибалар алмашинуви бўйича ҳамкорликни амалга ошириш;<br>ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялашга қаратилган масалалар назарда тутилади. | А.Саъдуллаев, А.Абдуллаев |
| 218. | 41. | Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг **“Маърифат ва диний бағрикенглик”** резолюцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2018 йил 20 ноябрь | ТИВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Олий Мажлис Сенати (келишув асосида), Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, **Халқ таълими вазирлиги,** Республика маънавият ва маърифат маркази | – | – | Резолюция лойиҳаси.<br>Лойиҳада барча шахсларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш кафолатлари, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам бериш, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уларнинг камситилишига йўл қўймасликка қаратилган масалалар назарда тутилади. | Д.Кенжаев, А.Саъдуллаев, Ҳ.Даминов, А.Абдуллаев |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 219. | 42. | БМТ Бош Ассамблеясининг **“Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир”** резолюцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2018 йил 30 ноябрь | ТИВ, Олий Мажлис Сенати (келишув асосида), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Дин ишлари бўйича қўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, **Халқ таълими вазирлиги,** Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти | – | – | Резолюция лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>Марказий Осиё давлатларининг минтақадаги мавжуд муаммо ва таҳдидларни ҳамкорликда бартараф этишга қаратилган ва ўзаро манфаатли ечимлар топиш бўйича тадбирлар;<br>минтақада яхши қўшничилик ва дўстона алоқаларни, шу жумладан, таълим, фан, технология, инновация, туризм, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда яқин ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатлар;<br>Марказий Осиё давлатларининг афғон можаросини ҳал этишга ва Афғонистон Ислом Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмаси ривожлантириш ва қайта тиклашга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилган.<br>Афғонистон Ислом Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш ва қайта тиклашга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилади. | Ж.Сидиқов, Д.Ташпулатов |
| 221. | 43. | Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 70 йиллигига бағишланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё Форумини ўтказиш. | 2018 йил 20 сентябрь | Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), ТИВ, Дин ишлари бўйича қўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, | – | – | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда:<br>Декларацияда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлиги тамойиллари ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган Форум концепцияси ва якуний ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш; | Д.Кенжаев, А.Саъдуллаев, Ҳ.Даминов, А.Абдуллаев, Д.Ташпулатов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | **Халқ таълими вазирлиги,** Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти | | | Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё Форумини 2018 йил Самарқанд шаҳрида ўтказилиши билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилади. | |
| 222. | 44. | Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган комплекс чораларни ишлаб чиқиш. | 2018 йил 20 май | Вазирлар Маҳкамаси, Давлат статистика қўмитаси, ТИВ, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, МХХ, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Иқтисодий тадқиқотлар маркази, Прогнозлаштириш вамакроиқтисодий тадқиқотлар институти, **вазирлик** ва идоралар | – | – | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>давлатлар рейтингини тузувчи халқаро агентликлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар<br>билан конструктив мулоқотни ўрнатиш;<br>иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти *(давлатларнинг кредит рейтинги), Жаҳон банки (Doing Business), Бутун жаҳон иқтисодий форуми (глобал кредит рейтинги),* Жаҳон банки *(Doing Business),* Бутунжаҳон иқтисодий форуми *(глобал рақобатбардошлик индекси),* БМТ Тараққиёт дастури (*инсон ривожланиши индекси*), “Transparency International” (*коррупция индекси*), The Economist Intelligence Unit (*дунё давлатларида демократия индекси, Иқтисодий эркинлик индекси*), The World Justice Project (*қонун устуворлиги индекси*), “Чегарасиз репортёрлар” (*матбуот эркинлиги индекси*) ва бошқа халқаро агентликлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан юритилаётган ҳисоботлар бўйича соҳаларни яхшилашга қаратилган чоралар кўриш; | Ж.Сиддиқов, Н.Муротов, Д.Ташпулатов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | ҳар бир рейтинг бўйича масъул вазирлик ва идораларни белгилаш ҳамда тегишли “йўл харита”ларини ишлаб чиқиш;<br>халқаро ташкилотларнинг молиявий техник ресурслари ва мутахассисларини жалб қилиш назарда тутилади. | |
| 223 | 45. | Марказий Осиё давлатлари билан ташқи сиёсий масалалар, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш. | Йил давомида | ТИВ,<br>Ташқи савдо вазирлиги,<br>Олий Мажлис палаталари (келишув асосида),<br>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги,<br>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи,<br>Иқтисодиёт вазирлиги, Маданият вазирлиги,<br>Савдо-саноат палатаси,<br>Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти,<br>Республика маънавият ва маърифат маркази, вазирлик ва идоралар | – | – | Амалий чора-тадбирлар.<br>Бунда:<br>қўшни давлатлар билан ҳамкорликни изчил ривожлантириш;<br>Марказий Осиё давлатларининг ҳудудлар раҳбар (ҳоким)лари ва бизнес ҳамжамиятининг уюшмасини таъсис этиш;<br>Марказий Осиё давлатлари билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни, “халқ дипломатияси институтлари”ни, парламентлар, чегара ҳудудлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш;<br>олий таълим муассасаларига қўшни давлатлар фуқароларининг соддалаштирилган қабулини жорий этиш;<br>қўшни давлатлар фуқаролари учун Ўзбекистоннинг соғломлаштириш муассасалари ва курорт зоналарида тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳамда дам олиш имкониятларини яратиш ишлари амалга оширилади. | Қ.Бектурдиев,<br>Д.Кенжаев,<br>Ж.Сиддиқов,<br>А.Саъдуллаев,<br>Д.Ташпулатов |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 231 | 46. | Ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш ва тубдан такомиллаштириш чораларини кўриш. | 2018 йил 1 май | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, ТИВ, **вазирлик** ва идоралар | – | Ижрочилар маблағлари | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Лойиҳада:<br>ривожланган давлатлар билан ҳамкорликда меҳнат миграцияси географиясини кенгайтириш;<br>хорижий давлатлар билан узоқ ва ўрта муддатли тегишли битимлар тузиш;<br>Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартибини бекор қилиш;<br>Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш;<br>Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари ва консуллик хизматларининг хорижда ишлаётган фуқароларимиз билан доимий алоқада бўлишининг замонавий шаклларини жорий этиш назарда тутилади. | Ж.Сидиқов, Д.Ташпулатов |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2018 йил 26 январь* *25-сон*

## Б У Й Р У Ғ И

### ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИК ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида” 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3493-сон қарорига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3493-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. 2018 йилда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш юзасидан Халқ таълими вазирлигининг чора-тадбирлар режаси (матнда кейинги ўринларда чора-тадбирлар режаси деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Маънавий-ахлоқий тарбия ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Х.Даминов) чора-тадбирлар режасининг ижроси юзасидан мониторинг юритиб борсин.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалари чора-тадбирлар режасининг жойлардаги ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласин.
5. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг*
*2018 йил 26 январдаги*
*25-сонли буйруғига илова*

**2018 йилда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш юзасидан Халқ таълими вазирлигининг**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| № | Белгиланган тадбирлар | Ижро муддати | Амалга ошириш механизми | Давлат дастурида белгиланган масъуллар | ХТВдан масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | (8) Аҳоли ўртасида профилактика тадбирларини ўтказишда янги ёндашувларни қўллаш | мунтазам | Миллий анъаналаримиз ва менталитетимизга таянган ҳолда ОИВ инфекциясига дучор бўлганларни камситмаслик ва уларга нисбатан ғамхўр муносабатда бўлиш ва бағрикенглик туйғуларини шакллантиришга қаратилган ўсмир ва ёшлар учун радио ва телекўрсатувлар тайёрлашда иштирок этиш. | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, МТРК, “Ўзбеккино” МА, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва бошқалар | Б.Шайвалиев, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |
| 2. | (9) Ўқувчи ёшлар ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси бўйича ахборот-таълим ишларини ташкил этиш. | 2018 йил 1 сентябрга қадар | Умумтаълим мактабларида ҳаётий кўникмаларни ўқитиш ўқув дастурларига соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қиладиган барқарор ҳаётий позицияларни ўқитиш масаласини киритиш. | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи | А.Носиров, Республика таълим маркази (М. Эсонов ) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 3. | (10) Аҳолини ОИВ инфекцияси профилактикаси чора тадбирлари бўйича огоҳлантиришга қаратилган соҳалар ва тармоқлараро режаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2018 йил 1 мартга қадар | Ўқувчилар ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикасига доир кенг миқёсдаги ахборот-маърифий дастурларни амалга ошириш. | Соғлиқни сақдаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, МТРК, “Ўзбеккино” МА, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва бошқ. | Х.Даминов, Республика таълим маркази (М.Эсонов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2018 йил 6 февраль* *31-сон*

## Б У Й Р У Ғ И

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИНИНГ 3-СОНЛИ БАЁННОМАСИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси мажлисининг 2017 йил 27 декабрдаги 3-сонли баённомаси ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси мажлисининг 3-сонли баённомаси раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

"Халқ таълими тизимида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, носоғлом оилаларда тарбияланаётган вояга етмаганлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури" 1-иловага;

"Халқ таълими тизимида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликка карши курашиш, ватанпарварликни тарғиб қилиш, "оммавий маданият" таъсирига тушишининг олдини олиш борасидаги тарғибот режаси" 2-иловага;

"Халқ таълими тизимида вояга етмаганлар орасида суицид ҳолатларининг барвақт олдини олиш бўйича ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар йўл харитаси" 3-иловага;

"Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йилга мўлжалланган иш режаси" 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Маънавий-ахлоқий тарбия ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Х.Даминов) мутасадди вазирлик ва идо-

ралар билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлашда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, меҳрибонлик уйларида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган ва қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин:

- васийлик ва ҳомийлик органларининг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимояланиши, шу жумладан, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги фаолиятнинг тубдан яхшиланиши;
- етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ўз вақтида аниқланиши, ҳисобга олиниши ва ҳар бир ҳолатдан келиб чиқиб, болаларни жойлаштириш шаклларининг тўғри танланиши, бунда мутасадди идоралар билан ҳамкорликнинг кучайтирилиши;
- васий ёки ҳомий мажбуриятларининг бажарилиши устидан самарали назоратнинг ташкил этилиши, воята етмаганларнинг мол-мулки, пул маблағлари ва бошқа қимматли буюмларининг сақланиши устидан назорат олиб борилиши;
- етим ёки ота-онасининг қаровисиз қолган болаларнинг тарбияланиши, камол топиши ва қўллаб-қувватланиши, уларнинг ижтимоий-руҳий соғломлаштирилиши;
- меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчалари тарбияланувчиларини ижтимоий мослаштириш ва жамиятга уйғунлаштириш чораларининг кўриб борилиши;
- васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан меҳрибонлик уйига юбориладиган болаларнинг яшаш шароити ва турмуш тарзининг ўрганилиши, мол-мулкларининг қатъий сақланиши чораларининг кўрилиши;
- яратилган моддий-техника базасидан оқилона ва самарали фойдаланилиши, муассаса ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантирилиши;
- амалиётдаги мавжуд муаммолар тўлиқ ва чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг амалда бартараф этилиши, шунингдек, қонунчиликнинг такомиллаштирилиши юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилиши.

4. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Н.Рўзиқулов) таълим муассасаларини моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков), Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-методик жараёнларни ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров) ҳамда мутасадди вазирлик ва

идоралар билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ижроси бўйича умумтаълим мактабларида ўқув жараёнининг давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилиши, ўқувчилар давоматининг таъминланиши ҳамда моддий-техника базасидан фойдаланишда аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган ва қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин:

- ўқувчилар учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида умумтаълим мактабларининг таъмирталаб биноларини таъмирлаш ҳамда ичимлик суви, электр энергияси ва иситиш тизими билан узлуксиз таъминлаш борасида инвестиция дастурларига аниқ таклифлар киритилиши;

- барча таълим муассасаларини “Ziyonet” тармоғига уланиши чораларининг кўрилиши;

- таълим муассасаларида ўқув жараёнларини давлат таълим стандартлари асосида ташкил қилиниши, педагог кадрларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда фаолият кўрсатишларининг таъминланиши;

- малака оширмаган педагогларнинг малакаси ҳамда раҳбар ходимларнинг масъулияти оширилиши;

- педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларнинг тўлдирилиши ҳамда таълим муассасасаларини мутахассислик фанлари бўйича етишмайдиган дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш чораларининг кўрилиши;

- педагог кадрларни қайта тайёрлашнинг турли шакллари орқали узлуксиз методик хизматнинг такомиллаштирилиши, ўқитувчиларнинг мутахассислиги тўғри келмайдиган фанлардан дарс бериш амалиётига бутунлай барҳам берилиши;

- таълим муассасаларида таълим сифати ҳамда бу жараёнга масъул бўлган барча шахсларнинг, айниқса, ота-оналарнинг масъулиятини ошириш йўли билан болаларнинг ўқишга қизиқтирилиши ва уларнинг дарсларга тўлиқ жалб этилиши;

- ўқувчиларнинг, айниқса, тарбияси оғир ва профилактик ҳисобда турган болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этилиши учун турли тўгарак ва спорт машғулотларига жалб қилиниши, бу борадаги ҳисоботлар ҳаққонийлигининг таъминланиши;

- турли сабабларга кўра ўқишга бормай қўйган, шу жумладан, чет давлатларга ноқонуний чиқиб кетган ўқувчиларнинг тўлиқ таълимга қайтарилиши борасида ички ишлар органлари, маҳалла ва бошқа мутасадди идоралар билан самарали ҳамкорлик ўрнатилиши;

- таълимнинг моддий техника базаси ривожлантирилишига йўналтирилган ҳамда таълим муассасалари ходимларининг мод-

дий рағбатлантирилиши, меҳнатига ҳақ тўлаш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, ноқонуний пул маблағлари йиғилишига мутлақо йўл қўймаслик чораларининг кўрилиши;

- таълим муассасалари ўқувчиларини белгиланган муддатларда тиббий кўригини ташкил қилиш, аниқланган касалликларни ўз вақтида даволаш чораларини кўрилиши;

- амалиётдаги мавжуд муаммолар тўлиқ ва чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг амалда бартараф этилиши, шунингдек, қонунчиликнинг такомиллаштирилиши юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилиши.

5. Маънавий-ахлоқий тарбия ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Х.Даминов), Ўқувчи ёшлар билан ишлаш бошқармаси (А.Абдуллаев), Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази (А.Хундибаев) га:

ушбу буйруқ билан тасдиқланган тегишли чора-тадбир ва режаларнинг ижроси юзасидан мониторинг юритиб бориш;

зарур ҳолларда белгиланган тадбирларнинг бажарилишига масъулиятсизлик билан ёндашган масъул ходимларга нисбатан ўрнатилган тартибда жазо чораларини кўриш бўйича вазирлик раҳбариятига таклифлар киритиш вазифалари юклатилсин.

6. Вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалар раҳбарлари ушбу буйруқ билан тасдиқланган чора-тадбир ва режаларда қайд этилган тегишли вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини ҳамда белгиланган муддатларда ҳисоботларнинг тақдим этиб борилиши таъминласин.

7. Матбуот котиби (Б.Шайвалиев)га тасдиқланган чора-тадбир ва режаларда қайд этилган тадбирларнинг таълим муассасаларидаги ижросини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Қ.Бектурдиев, вазир ўринбосарлари Д.Кенжаев ва А.Саъдуллаевлар зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг*
*2018 йил 6 февралдаги 31-сон буйруғига*
*1-илова*

**Халқ таълими тизимида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, носоғлом оилаларда тарбияланаётган вояга етмаганлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича ҳамкорликда амалга ошириладиган**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар | ХТВдан масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Вояга етмаганларни эзгу ва бунёдкор ғоялар остида бирлаштиришга қаратилган фестивал ва тадбирлар ўтказиш. | 1. Фестиваль ва тадбирлар ўтказиш режаларини тузиш ва муддатларини белгилаб олиш.<br>2. Фестиваль ва тадбирларга вояга етмаганларни жалб этиш.<br>3. Фестиваль ва тадбирларда таниқли санъаткор, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандалари, машҳур спортчилар иштирокини таъминлаш. | 2018 йил февраль<br>ҳар ойда<br>мунтазам | Ёшлар иттифоқи, Маданият, Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси аъзолари | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), МТТТЭБ (А.Алимов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари |
| | Ички ишлар органлари билан ҳамкорликда таълим муассасаларида ўқувчиларнинг дарс машғулотларига тўлиқ қатнашишларини таъминлаш, уларни зарарли ахборот | 1. Таълим муассасаларида доимий равишда давомат тадбирларини олиб бориш.<br>2. Давомат тадбирларида ўқувчиларнинг уяли телефонлардан тўғри фойдаланишларини доимий равишда ўрганиб бориш. | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 2. | хуружларидан ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш. | 3. Ўқувчилар ўзлари билан ҳар хил совуқ қуроллар олиб юришларининг олдини олиш мақсадида таълим муассасаларининг кириш жойларида назорат пунктларини ташкил қилиш.<br>4. Ўқувчиларнинг назоратсиз ва қаровсиз қолишларини олдини олиш мақсадида тунги вақтларда ва кўнгилочар жойларда доимий равишда рейдлар ўтказиб бориш. | 2018 йил давомида<br><br>ҳар куни | Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш, Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро ҳудудий комиссиялар | ТМФТЭББ (Н.Рўзиқулов), МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари |
| 3. | Ички ишлар органлари билан ҳамкорликда носоғлом оила (ИИБ ҳисобидаги фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи: ичкиликбоз, гиёҳванд, фоҳиша, ДЭОга мансуб ва мойил, жанжалкаш, узоқ муддатга чет элга чиқиб кетган ота-оналар) фарзандлари билан ишларни ташкил этиш. | 1. Ҳар бир маҳалла ва таълим муассасаси кесимида носоғлом оила фарзандларининг рўйхатларини тузиш.<br>2. Шакллантирилган рўйхат асосида туман (шаҳар), вилоят ва республика миқёсида маълумотлар базасини яратиш ва масъул ташкилот, идораларга тегишлиги бўйича маълумотларни тақдим этиш.<br>3. Олинган рўйхат асосида ҳар бир бола билан ишлаш, аниқланган муаммоларини ҳал этиш. | 2018 йил ҳар чоракда<br><br>ҳар ойда<br><br>ҳар куни | Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ёшлар иттифоқи, Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси аъзолари, ҳудудий идоралараро комиссиялар | МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), МТТТЭБ (А.Алимов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4. | Вояга етмаганларни, шу жумладан, носоғлом оила фарзандларини Халқ таълими вазирлиги тизимидаги “Баркамол авлод” болалар марказларидаги тўгаракларга жалб этиш. | 1. Вояга етмаганлар, шу жумладан, носоғлом оила фарзандларини “Баркамол авлод” болалар марказларидаги тўгаракларга кенг жалб этиш мақсадида турли тарғибот тадбирларни ўтказиш.<br>2. Ташкил этилган тўгаракларга уларни жалб этиш ва назоратга олиш.<br>3. Тўгараклар даврида вояга етмаганларни касб-ҳунарга йўналтириш. | 2018 йил давомида,<br>ҳар ойда | Халқ таълими вазирлиги,<br>Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар | МТТТЭБ (А.Алимов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари |
| 5. | Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан вояга етмаганларни, шу жумладан, носоғлом оила фарзандларини Ёшлар иттифоқ қошидаги ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари тўгаракларига жалб этишда ҳамкорлик қилиш. | 1. Вояга етмаганларнинг, шу жумладан, носоғлом оила фарзандларининг қизиқишларидан келиб чиқиб Ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) Кенгашларида тўгараклар ташкил этиш.<br>2. Ташкил этилган тўгаракларга уларни жалб этиш ва назоратга олиш. | 2018 йил февраль<br>ҳар ойда | Ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими, Ички ишлар вазирликлари | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари |
| | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш билан ҳамкорликда атроф-муҳит ва табиатни асраб-авайлаш, | 1. Ойлик доирасидаги тадбирлар режасини тузишда ҳамкорлик қилиш.<br>2. Тадбирларга маҳалладаги вояга етмаганларни кенг жалб этишда иштирок этиш. | 2018 йил февраль<br>режа асосида | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш, | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 6. | табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишни тарғиб қилиш мақсадида вояга етмаганлар, шу жумладан, носоғлом оила фарзандлари иштирокида маҳаллалар кесимида “Экология, маҳаллам ва мен!” ойлигини ўтказиш. | 3. Ойликда фаол иштирок этган вояга етмаганларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда ҳамкорлик қилиш. | режа асосида | Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (келишув асосида), Халқ таълими, Ички ишлар вазирликлари, Ёшлар иттифоқи, Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси аъзолари | МТТТЭБ (А.Алимов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари |
| 7. | Вояга етмаганларни, шу жумладан, носоғлом оила фарзандларини ҳар бир ҳудуд марказида мустақиллик йилларида барпо этилган музейлар, тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, спорт иншоотлари, бино ва иншоотларга саёҳатларини ташкил этиш. | 1. Саёҳатларни ташкил этиш бўйича туман (шаҳар)лар кесимида манзилли режалар ишлаб чиқиш.<br>2. Саёҳатларга жалб этиладиган вояга етмаганлар рўйхатини шакллантиришда иштирок этиш.<br>3. Саёҳатларни ташкил этиш. | 2018 йил февраль<br><br>ҳар ойда | Маданият, Халқ таълими, Ички ишлар вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, “Соғлом авлод учун” ХХФ, Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссиялар | МТТТЭБ (А.Алимов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари |
| 8. | Ички ишлар органлари билан ҳамкорликда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилган вояга етмаганларнинг оилавий шарт-шароитларини ўрганиш, шу муассасадан чиққан тарбияланувчиларнинг | 1. Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилган ва ундан чиққан тарбияланувчиларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатларини шакллантириш.<br>2. Муассасада тарбияланаётган тарбияланувчиларнинг муассасага келгунига қадар бўлган оилавий шарт-шароитларини ўрганишда иштирок этиш. | 2018 йил январь-февраль<br><br>ҳар ойда | Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази (келишув асосида), Ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш | МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | кейинги аҳволини мониторинг қилиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этиш борасида амалий ёрдам кўрсатиш. | 3. Муассасадан чиққан тарбияланувчилар билан учрашиб, уларнинг бугунги кундаги реал аҳволини ўрганишда иштирок этиш.<br>4. Ўрганишлар натижаси бўйича аниқланган ҳолатлар (муаммо ва камчиликлар) бўйича амалий ёрдамлар кўрсатиш ва назоратга олишда ҳамкорлик қилиш. | ҳар ойда | органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш, Дин ишлари бўйича қўмита, Хотин-қизлар қўмитаси, Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро ҳудудий комиссиялар | муассасалари |
| 9. | Мазкур чора-тадбирлар дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишларни телевидение, радио, электрон сайтлари ва босма нашрлар орқали ёритиб бориш. | 1. Телевидение ва радио орқали мазкур чора-тадбирлар дастурини ижро этилишини ёритиш мақсадида мутахассисларни жалб этган ҳолда кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этишда ҳамкорлик қилиш.<br>2. Электрон ва босма нашрлар орқали мақолалар бериб бориш. | 2018 йил ҳар чоракда<br>ҳар чоракда | Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси масъул аъзолари | Матбуот котиби (Б.Шайвалиев), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари |
| 10. | Мазкур чора-тадбирлар дастури ижроси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот бериб бориш. | 1. Ҳар бир тегишли банд бўйича амалга оширилган ишлар ҳақидаги аниқ маълумотларни (тадбирлар сони, жалб қилинган вояга етмаганлар сони, ОАВда ёритилиши ва ҳ.к.) вазирликнинг Маънавий-ахлоқий тарбия ва болаларни ижтимоий қўллаб қувватлаш бошқармасига электрон шаклда a.tagayev@xtv.uz манзили орқали тақдим этиб бориш.<br>2. Умумлаштирилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига киритиб бориш. | 2018 йил ҳар чорак якунлари бўйича сўнги ойнинг 25-санасига қадар<br>ҳар чоракда | Ички ишлар вазирлиги, Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси масъул аъзолари | Вазирликнинг тегишли бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов) |

*Халқ таълими вазирининг*
*2018 йил 6 февралдаги 31-сон буйруғига*
*2-илова*

**Халқ таълими тизимида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, ватанпарварликни тарғиб қилиш, "оммавий маданият" таъсирига тушишининг олдини олиш бўйича**

**ТАРҒИБОТ РЕЖАСИ**

| № | Тадбирлар номи | Ўтказиш муддати | Иштирокчи-лар | Ўтказиш жойи | Бажариш учун масъул |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | "Биз жиноятчиликка қаршимиз!" мавзусида давра суҳбати.<br>Ички ишлар органлари, Ёшлар иттифоқи, Дин ишлари бўйича қўмита, Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда. | 2018 йил март, сентябрь | Умумтаълим мактаблари ўқувчилари | Умумтаълим мактаблари | МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |
| 2. | "Ёшлар ва қонун" мавзусида очиқ мулоқот.<br>Ёшлар иттифоқи, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда. | апрель, ноябрь | Умумтаълим мактаблари ўқувчилари | Умумтаълим мактаблари | МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |
| 3 . | "Вояга етмаганларни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш" мавзусида очиқ мулоқот.<br>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (келишув асосида), Матбуот ва ахборот агентлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда. | февраль, сентябрь | Умумтаълим мактаблари ўқувчилари | Умумтаълим мактаблари | МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4. | Тиббий маданиятни ошириш, тиббий кўрикнинг соғлом ҳаёт кечиришда тутган ўрни ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда “Биз эрта турмушга қаршимиз” мавзуларида тарғибот тадбирлари ташкил этиш.<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ёшлар иттифоқи, Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда. | февраль, ноябрь | Умумтаълим мактаблари ўқувчилари | Умумтаълим мактаблари | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |
| 5. | Эрта туғруқ ва эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари, никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик мавзуларида давра суҳбатлари ўтказиш.<br>Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш, Дин ишлари бўйича қўмита, Ёшлар иттифоқи, Маънавият ва маърифат маркази, Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда. | апрель, сентябрь | Умумтаълим мактаблари ўқувчилари | Умумтаълим мактаблари | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |
| 6. | Вояга етмаганларнинг “Оммавий маданият” таъсирига тушишларининг олдини олиш борасида давра суҳбати ўтказиш.<br>Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, Дин ишлари бўйича қўмита, Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда. | февраль, октябрь | Умумтаълим мактаблари ўқувчилари | Умумтаълим мактаблари | МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |
| 7. | Ташкил этилган очиқ мулоқот, давра суҳбати ва учрашувларни телевидение, радио, интернет сайтлари ва босма нашрлар орқали ёритиб бориш. | 2018 йил февраль-декабрь | Матбуот котиби (Б.Шайвалиев), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 8. | Таълим муассасаларида ўтказилган очиқ мулоқот, давра суҳбати ва учрашувлар ҳақида туман (шаҳар)лар кесимидаги батафсил маълумотларни (таклиф этилган мутахассислар, жалб килинган ўқувчилар сони, ОАВда ёритилгани ва ҳ.к.) вазирликнинг Маънавий-ахлоқий тарбия ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бошқармасига электрон шаклда a.tagaev@xtv.uz манзили орқали тақдим этиб бориш. | Ҳар ой якунлари бўйича | Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |

*Халқ таълими вазирининг*
*2018 йил 6 февралдаги 31-сон буйруғига*
*3-илова*

## Халқ таълими тизимида вояга етмаганлар орасида суицид ҳолатларининг барвақт олдини олиш бўйича ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар
## ЙЎЛ ХАРИТАСИ

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Белгиланган масъул ижрочилар | ХТВдан маеъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Вояга етмаганлар билан ишлашга доир тадбирлар** | | | | | |
| 1. | Ижтимоий-психологик муаммоси мавжуд ўқувчиларни аниқлаш ва улар тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш. | 1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг 5-10/11 синфлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг вояга етмаган ўқувчилари ҳақидаги мавжуд маълумотлар асосида уларни ижтимоий-психологик тоифаларга ажратиш ва гуруҳлаш.<br>2. Ушбу гуруҳлар билан психологик суҳбатлар, сўровномалар ўтказиш орқали ўқувчиларнинг жорий психологик ҳолати ва мойилликларини аниқлаш.<br>3. Салбий мойилликлари аниқланган ўқувчилар бўйича маълумотларни ягона электрон базада жамлаш ва бунда ахборот хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилиш. | 2018 йил февраль-март, сентябрь-октябрь, февраль-апрель, сентябрь-ноябрь, март-май, октябрь-декабрь | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази | Республика Ташхис маркази (А.Хундибаев), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 2. | Суицидга мойиллиги аниқланган вояга етмаганлар билан коррекцион ишларни амалга ошириш. | 1. Суицидга мойиллиги бўлган ўқувчиларни тоифаларга (намойишкорона, аффектив, яширин) ажратиш.<br>2. Мутахассислар томонидан ҳар бир тоифадаги ўқувчилар бўйича коррекцион тадбирларни амалга ошириш:<br>- ўқувчилар билан якка тартибда суҳбат ўтказиш, ўзини ўзи баҳолашни оширишга, ҳаётда ўз ўрнини топишга қизиқтиришга, эмоционал ҳолатини яхшилашга қаратилган машқлар олиб бориш;<br>- синф (гуруҳ) раҳбари билан биргаликда ўқувчидаги ўзгаришларни кузатиб бориш, уларнинг ўқишдаги ва жамоат ишларидаги фаоллигини ошириш;<br>- ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахслар билан биргаликда болаларининг мойиллиги сабабини аниқлаб, уларни психологик-эмоционал ҳолатини яхшилашга кўмаклашиш. | 2018 йил февраль-апрель, сентябрь-ноябрь<br>йил давомида (кундалик) | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгаш, Хотин-қизлар қўмитаси | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев) Республика Ташхис маркази (А.Хундибаев), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |
| 3. | Амалга оширилган ишлар натижадорлигига баҳо бериш. | 1. Коррекцион тадбирлар олиб борилган ўқувчилар ўртасида такрорий психологик суҳбат ва сўровномалар ўтказиш.<br>2. Натижалари бўйича ўқувчиларда бўлган ўзгаришларни аниқлаш, таҳлил қилиб, баҳолаш ҳамда электрон базага тегишли хулосаларни киритиб бориш.<br>3. Таҳлил якунида ижобий кўрсаткичлар кузатилмаган ўқувчилар билан соғлиқни сақлаш муассасаларининг мутахассислари ёрдамида йўналтирилган ишларни олиб бориш. | 2018 йил май, декабрь<br>май, декабрь<br>махсус режа асосида | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев) Республика Ташхис маркази (А.Хундибаев), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4. | Болаларнинг кун тартибини ўрганиш, уларнинг ўқишдан ташқари вақтларини мазмунли ташкил этиш. | 1. “Болаларнинг кун тартиби” мавзусида сўровномалар ўтказишда ҳамкорлик қилиш.<br>2. Сўровнома натижаларини таҳлил қилиш ва таклиф тайёрлашда иштирок этиш.<br>3. Болаларнинг қизиқиши, иқтидори ва имкониятидан келиб чиқиб, уларни китоб ўқишга, бадиий ва техник ижодиётга, санъат ва мусиқага, спорт ва меҳнатга йўналтириш.<br>4. Ўқувчилар билан ҳудуддаги таниқли шахслар, ижодкор ва нуронийларнинг учрашувларини ташкил этиш, уларни музей ва диққатга сазовор жойларга саёҳатларини уюштириш.<br>5. Ўқувчилар учун ўқув-техник ҳамда ижодий билимларини оширишга қаратилган қизиқарли кўрсатувлар тайёрлаб, намойиш этиб боришда ҳамкорлик қилиш.<br>6.Ўқувчиларда интернетдан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш маданиятини шакллантириш, ота- оналар ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг бу борадаги масъулиятини ошириб бориш. | 2018 йил февраль-март<br><br>ҳар ойда (режа асосида)<br><br>ҳар ойда | “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, МТРК (келишув асосида)<br>Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги | МТТТЭБ (А.Алимов), ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), Республика Ташхис маркази (А.Хундибаев) МТТТЭБ (А.Алимов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари, “Баркамол авлод” болалар марказлари раҳбарлари, Матбуот котиби (Б.Шайвалиев) АКТЖЭБ (Қ.Сайтов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 5. | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгаш билан ҳамкорликда оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш орқали соғлом ҳамда баркамол шахсни тарбиялаш ва ундаги салбий мойилликларнинг олдини олиш. | 1. Маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳити носоғлом ҳамда вояга етмаган фарзандлари бор оилаларни аниқлаш ва маълумотлар базасини шакллантиришда ҳамкорлик қилиш.<br>2. Бундай оилалардаги болаларнинг яшаш шароитини ўрганиш, заруратга кўра, ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўриш ҳамда таклифлар билан чиқишда иштирок этиш.<br>3. Мавжуд муаммолардан келиб чиқиб, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувлар ўтказиш ҳамда уларга мутахассис маслаҳатларини бериш. | 2018 йил феврал-март,<br>сентябрь-октябрь<br>феврал-март, | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгаш, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, Дин ишлари бўйича қўмита, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маънавият ва маърифат маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази | МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов) Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |
| 6. | Соғлиқни сақлаш, вазирлиги билан ҳамкорликда суицид ҳолати содир этилган ёки суицидга ҳаракат бўлган оилалар аъзолари (айниқса, оиладаги вояга етмаган болалар)га психологик ёрдам бериш ва психологик қўллаб-қувватлаш. | 1. Суицид ҳолати содир этилган ёки суицидга ҳаракат бўлган оилаларнинг ҳар бир аъзоси билан якка тартибда ишлаш, суҳбатлашиш, кузатишда ҳамкорлик қилиш.<br>2. Шундай оилалар аъзолари (айниқса, оиладаги вояга етмаган болалар)да суицидал ва эмоционал ҳолатларини аниқлашда иштирок этиш.<br>3. Суицидал ҳолат аниқланган ҳолларда зудлик билан коррекция ва реабилитация тадбирларини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш.<br>4. Оғир суицидал даража ва эмоционал ҳолат аниқланганида махсус мутахассисларни жалб этиш.<br>5. Қайта суицид ҳолатларининг олдини олиш мақсадида оила аъзолари (айниқса, оиладаги вояга етмаган болалар)ни узоқ муддатли кузатиш. | ҳар бир ҳолат бўйича | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб- ҳунар таълими маркази Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгаш, Хотин-қизлар қўмитаси | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев) Республика Ташхис маркази (А.Хундибаев), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **II. Мутахассислар билан ишлашга доир тадбирлар** | | | | | |
| 1. | Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тизимидаги психологлар, психиатр ва суицидологлар ҳақидаги маълумотлар базасини яратиш. | 1. Ҳар бир вазирлик тизимида психологлар, психиатрлар ва суицидологларнинг рўйхатини тузиш.<br>2. Шакллантирилган рўйхат асосида туман (шаҳар), вилоят ва республика миқёсида маълумотлар базасини яратиш ва масъул вазирлик ва идораларга тегишлилиги бўйича маълумотларни тақдим этиш. | 2018 йил февраль март | Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус касб- ҳунар таълими маркази | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев) Республика Ташхис маркази (А.Хундибаев), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |
| 2. | Мавжуд вакант лавозимларни мутахассис кадрлар билан тўлдириш, номутахассис педагогларни психологликка қайта тайёрлаш. | 1. Таълим муассасаларида вакант бўлган жойларга малакали мутахассисларни ишга қабул қилиш.<br>2. Психологлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари битирувчиларини таълим муассасаларига жалб этиш чораларини кўриш.<br>3. Номутахассис педагогларни қайта тайёрлаш марказларида психологликка ўқитишни ташкил этиш. | 2018 йил мунтазам<br><br>ҳар чоракда | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (келишув асосида) | КБ (Б.Шамсиев), Республика Ташхис маркази (А.Хундибаев), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |
| 3. | Таълим муассасалари психологларининг ўқувчилардаги суицидал хулқ профилактикаси, уни олдини олиш, диагностика ва коррекция | 1. Ўқувчиларнинг суицидал хулқи профилактикаси, уни олдини олиш, диагностика ва коррекция қилиш бўйича ўқувчилар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳамда синф раҳбарлари билан ишлаш бўйича “психологик практикум” ишлаб чиқиш. | 2018 йил январь-март февраль- | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 3. | қилиш бўйича назарий билимлар ва амалий кўникмаларини ошириш. | 2. Махсус сўровномалар орқали таълим муассасаларидаги психологларнинг суицидга мойиллиги бўлган вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича билимларини ўрганиш.<br>3. Сўровнома натижаларига кўра етарли малакага эга бўлмаган психологлар учун қисқа муддатли ўқув-амалий семинарлар ташкил этиш.<br>4. Семинарлар давомида олинган билимларнинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаб, таклиф киритиш. | март<br>март-май,<br>октябрь-декабрь<br>март-май,<br>октябрь-декабрь | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), Республика Ташхис маркази (А.Хундибаев), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари |
| 4. | Суицидал хулққа эга бўлган ўқувчилар билан ишлаш бўйича маърузалар ва амалий машғулотлар мавзуларини тегишли олий таълим муассасалари, шунингдек, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказларининг ўқув режасига киритиш. | 1. Психологлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари, шунингдек, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари учун суицидга мойиллиги бўлганлар билан ишлаш бўйича маъруза материалларини тайёрлаш.<br>2. Маъруза мавзуларини таълим дастурига киритиш.<br>3. Психологларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида мазкур материаллардан фойдаланиш. | 2018 йил февраль-март<br>апрель<br>ҳар чоракда | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб- ҳунар таълими маркази | А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ (Н.Рахмонқулова), Республика Ташхис маркази (А.Хундибаев) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 5. | Вояга етмаганлар ўртасида содир бўлган суицид ҳолатлари бўйича қонуний ҳал этиб бориш, прокурор-терговчи ходимларининг бу борадагн билим-маҳоратини ошириш. | 1. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳар бир суицид ҳолати юзасидан тўлиқ текшириш ўтказиш ва қонуний қарор қабул қилинишини таъминлаш.<br>2. Вояга етмаганларнинг ўз жонига қасд ёки суиқасд қилиш ҳолатлари бўйича прокурор-терговчи ходимлари ўртасида ўқув-машғулотлари ўтказиш. | ҳар бир ҳолат бўйича<br>ҳар 6 ойда | Бош прокуратура, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ раҳбарлари |
| **III. Маълумот алмашиш, ҳисобот бериш** | | | | | |
| 1. | Вояга етмаганлар ўртасида ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларини ўрганиш ҳамда уларнинг барвақт олдини олиш борасида идоралараро ҳамкорликни йўлга қўйиш. | 1. Туман (шаҳар) кесимида ҳар бир ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларини мунтазам равишда ўрганиб бориш ва сабабларини таҳлил қилишда ҳамкорлик қилиш.<br>2. Таҳлил натижаларига кўра, ушбу ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этиш. | 2018 йил<br>ҳар ой<br>ҳар чорак | Бош прокуратура, Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус касб- ҳунар таълими маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгаш | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ раҳбарлари |
| 2. | Мазкур "Йўл харитаси" ижроси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясига ҳисобот бериб бориш. | 1. Ҳар бир масъул вазирлик ва идоралар туман (шаҳар), вилоят ҳамда республика миқёсида йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси бўйича маълумотларни йиғиб бориш.<br>2. Ҳар бир вазирлик ва идоралар кесимида якуний маълумотларни жамлаш ва Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясига ҳисобот бериб бориш. | 2018 йил<br>ҳар чорак | Халқ таълими вазирлиги,<br>Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси аъзолари | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), Республика Ташхис маркази (А.Хундибаев) |

*Халқ таълими вазирининг*
*2018 йил 6 февралдаги 31-сон буйруғига*
*4-илова*

**Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясининг 2018 йилга мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йилга мўлжалланган иш режаси**

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Комиссия томонидан белгиланган ижрочилар | ХТВдан масъуллар | Амалга ошириш шакли |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан тадбирлар** | | | | | |
| 1. | Умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқув жараёнларини такомиллаштириш ҳамда педагог ходимларнинг ижтимоий нуфузини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш. | февраль-май | Халқ таълими, Адлия, Молия вазирликлари, Бош прокуратура, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда бошқа манфаатдор идоралар | ТМФТЭББ (Н.Рўзикулов) | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат |
| 2. | Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳимоясини кучайтириш, уларга васий ёки ҳомий белгилаш жараёнини соддалаштириш, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида ҳаётий кўникмаларини шакллантиришга доир таклифлар тайёрлаш. | февраль-май | Халқ таълими, Молия ва Адлия вазирликлари, Бош прокуратура, Ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда бошқа манфаатдор идоралар | МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов) | Таклифлар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 3. | Ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, тарбияланувчилар ўртасида ватанпарварлик ва қонунга итоаткорлик туйғуларини кучайтириш ҳамда касб-ҳунар тайёргарлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш. | февраль-май | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими, Ички ишлар, Молия ва Адлия вазирликлари, Бош прокуратура, Ёшлар иттифоқи ҳамда бошқа манфаатдор идоралар | МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ХТБ раҳбарлари | Таклифлар |
| **II. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида ҳудудий комиссияларнинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар** | | | | | |
| 1. | Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида ва “Мурувват” уйларида тарбияланаётган ҳамда уйда якка тартибда таълим олаётган болаларга таълим берилишига, уларнинг тиббий-ижтимоий реабилитация қилинишига оид қонунчилик ижроси аҳволини ўрганиб, умумлаштириш. Натижасига кўра таклиф киритиш. | март-апрель | Бош прокуратура, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликлари ҳамда ҳудудий комиссиялар | МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари | Бош Прокуратура билан ҳамкорликда ўрганиш жараёнида иштирок этиш, ҳудудларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. |
| | Мусиқа ва санъат таълим муассасалари ҳамда “Баркамол авлод” болалар марказларида вояга етмаганларнинг маънавий ва эстетик ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш, ўқувчиларнинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, меҳнатсеварликни сингдириш, шунингдек, бўш вақтларини унумли ўтказишларга, | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 2. | таълим-тарбия сифати, моддий-техника базасидан самарали ва оқилона фойдаланилиши аҳволини ўрганиш.<br>Комиссия томонидан ушбу масалани Маданият ва Халқ таълими вазирликларида ҳамда Навоий ва Сирдарё вилоятларида ўрганиш.<br>Натижасини комиссия мажлисида Маданият вазирининг ўринбосари К.Акилова ва Халқ таълими вазирининг ўринбосари Д.Кенжаевларнинг ҳисоботларини эшитган ҳолда муҳокама қилиш. | май-июнь | Бош прокуратура, Маданият, Халқ таълими, Молия ва Адлия вазирликлари ҳамда ҳудудий комиссиялар | МТТТЭБ (А.Алимов), Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, республика таълим муассасалари раҳбарлари | Бош Прокуратура билан ҳамкорликда ўрганиш жараёнида иштирок этиш, маълумотнома тайёрлаш, ҳудудларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. |
| 3. | Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ижросини Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида ҳамда Халқ таълими вазирлигининг А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошиниш институти, Республика таълим, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш, Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик песпублика ташхис марказларида ўрганиш.<br>Натижасига кўра таклиф киритиш. | сентябрь-ноябрь | Бош прокуратура, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими ва Молия вазирликлари ҳамда Матбуот ва ахборот агентлиги | ТМФТЭББ (Н.Рўзикулов), УЎТМЎМЖРББ (А.Носиров), А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ (Н.Рахмонқулова), Республика таълим маркази (М.Эсонов), МУДРМ (К.Гафуров), Республика Ташхис маркази (А.Хундибаев) | Бош Прокуратура билан ҳамкорликда ўрганиш жараёнида иштирок этиш, маълумотнома тайёрлаш, ҳудудларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4. | Ўқув жараёнининг давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилиши, ўқувчилар давоматининг таъминланиши, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш аҳволини носоғлом оила фарзандлари билан олиб борилаётган тадбирлар самарадорлигига эътибор қаратилган ҳолда ўрганиш.<br>Комиссия томонидан ушбу масалани Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими ва Ички ишлар вазирликлари ҳамда Тошкент вилоятида ўрганиш.<br>Натижасини комиссия мажлисида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори М.Холмухамедов, Халқ таълими вазирининг ўринбосари Д.Кенжаев, Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Д.Назармухамедов, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши раиси ўринбосари А.Мирзажоновларнинг ҳисоботларини эшитган ҳолда муҳокама қилиш. | ноябрь-декабрь | Бош прокуратура, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими, Ички ишлар вазирликлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ёшлар иттифоқи, Адлия вазирлиги ҳамда ҳудудий комиссиялар | УЎТМЎМЖРББ (А.Носиров), ТМФТЭББ (Н.Рўзиқулов), МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, республика таълим муассасалари раҳбарлари | Бош Прокуратура билан ҳамкорликда ўрганиш жараёнида иштирок этиш, маълумотнома тайёрлаш, ҳудудларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. |
| **III. Ҳудудий комиссиялар фаолиятига раҳбарлик қилиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ва масъулиятини оширишга қаратилган тадбирлар** | | | | | |
| 1. | Хизмат фаолиятида намуна кўрсатган вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия масъул котибларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Йилнинг энг яхши масъул котиби" танловини ўтказишда иштирок этиш. | январь-февраль | Республика идоралараро комиссияси аъзолари, ҳудудий комиссиялар | МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов) | Танловни ўтказишда қатнашиш. |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **IV. Ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш, фаолиятга ошкоралик бериш ва ходимлар малакасини оширишга қаратилган тадбирлар** | | | | | |
| 1. | Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, улар ўртасида ватанпарварликни тартиб қилиш, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва бошқа зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш, янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини мазмун моҳиятини тушунтириш, дарсларга катнашмаётган ўқувчиларга тушунтириш ишларини олиб бориш, сайёр қабуллар ва учрашувлар ташкил этиш ҳамда жамиятга салбий таъсир этувчи хатти-ҳаракатларнинг оқибатларини тушунтириб бориш борасида давра суҳбатлар ва учрашувлар ташкил этиш. | Йил давомида (ҳар ойда) | Республика идоралараро комиссияси аъзолари, ҳудудий комиссиялар | МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, республика таълим муассасалари раҳбарлари | Тарғибот ишларини амалга оширишда иштирок этиш, ҳудудларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш. |
| 2. | Тизимда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ташкил этиш ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқий билимларини ошириш борасида амалга оширилган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш. | йил давомида (ҳар ойда) | Республика идоралараро комиссияси аъзолари, ҳудудий комиссиялар | Матбуот котиби (Б.Шайвалиев), “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (Х.Нишонов) | Мақола ва хабарлар |
| 3. | Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи масъул ташкилотлар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш. | март-апрель | Халқ таълими, Ички ишлар вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари | ТМФТЭББ (Н.Рўзуқулов), МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ (Н.Рахмонқулова) | Дастур |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4. | Халқ таълими вазирлиги тизими ходимларининг касб маҳорати ва малакасини ошириш юзасидан машғулотлар ўтказиш. | май-июнь (алоҳида дастур асосида) | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда республика идоралараро комиссияси аъзолари | ТМФТЭББ (Н.Рўзикулов), А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ (Н.Рахмонқулова) | Машғулотлар |
| 5. | Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича видеороликлар тайёрлаш ва намойиш этилишини таъминлаш жараёнида иштирок этиш. | йил давомида (ҳар чоракда) | Маданият вазирлиги, Маънавият ва маърифат маркази, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ёшлар иттифоқи, Бош прокуратура, Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар талими маркази | МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов), МУДРМ (К.Гафуров) | Видеороликлар |
| 6. | Иш режанинг ижроси юзасидан ҳисоботларни маънавий-ахлоқий тарбия ва болаларни ижтимоий қўллаб қувватлаш бошқармасига электрон шаклда a.tagaev@xtv.uz манзили орқали тақдим этиб бориш. | ҳар чорак охирги ойининг 25-санасига қадар | Вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлим бошлиқлари, масъул Республика ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари | | Ҳисоботлар |
| | Ҳисоботларни умумлаштириш ва Вояга етмаганлар ишлари бўйича Республика идоралараро комиссиясига киритиб бориш. | ҳар чоракда | МАТБИҚҚБ (Ҳ.Даминов) | | |

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2018 йил 6 февраль* *32-сон*

## Б У Й Р У Ғ И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2018 ЙИЛ 2 ФЕВРАЛДАГИ “ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ПФ-5325-СОН ФАРМОНИНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги ПФ-5325-сон Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлимлари, Қорақалпоғисгон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази (А.Хундибаев), Республика таълим маркази (М.Эсонов) чора-тадбирларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш учун масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

4. Ўқувчи ва ёшлар билан ишлаш бошқармаси (А.Абдуллаев)га:

чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини ўз муддатида бажарилишиии мониторинг қилиб бориш;

чора-тадбирлар режасининг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича белгиланган муддатларда вазирлик раҳбариятига маълумотлар киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А.Саъдуллаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг 2018 йил 6 февралдаги 32-сонли буйруғига илова*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги 5325-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш бўйича Халқ таълими вазирлигининг чора-тадбирлар режаси (Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги 5325-сонли Фармонининг 7-иловаси)*

| Т/р | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Амалга ошириш механизми | Фармонда келтирилган масъул ижрочилар | ХТВдан масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | (2) Қуйидагиларни:<br>маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хотин-қизлар қўмиталари, соғлиқни сақлаш органлари, ФХДЁ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик тартибини, ҳар бир ходимнинг ваколатлари ва жавобгарлиги аниқ белгилашни ҳисобга олган ҳолда “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятини;<br>ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ажрашишларнинг олдини олиш, шунингдек, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга оид бошқа масалалар бўйича кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга оид махсус ўқув курслари фаолиятини ташкил этиш. | 2018 йил март | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда “Оила” маркази билан ҳамкорлик қилиш (чақириқ асосида) | “Оила” маркази (Д.Ташмухамедова), Хотин-қизлар қўмитаси (Т. Нарбаева), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов),<br>Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Молия вазирлиги (А.Хайдаров) | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 2. | (3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зулфия” номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 1999 йил 10 июндаги ПФ- 2336-сон Фармонига ёш иқтидорли қизларни қўллаб- қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2018 йил март | Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони лойиҳасини ишлаб чиқишда Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорлик қилиш (чақирик асосида) | Хотин-қизлар қўмитаси (Т.Нарбаева), Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Маданият вазирлиги (Б.Сайфуллаев), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (Қ.Қуранбаев) | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), МАТБИҚҚБ (Х.Даминов) |
| 3. | (19) Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ёш қизлар - Чиноз туманидаги махсус мактаб-интернати ва Қўқон махсус енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий, ўқув-тарбиявий ишлар ҳамда хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш борасидаги ишлар ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан асосли таклифлар киритиш. | 2018 йил февраль-март | Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорлик қилиш (чақириқ асосида) | Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Бош прокуратура (О.Муродов), Хотин-қизлар қўмитаси (Т.Нарбаева), Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (М.Холмухамедов), Маънавият ва маърифат маркази (А.Қодиров), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (А.Хаитов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шадманов) | МАТБИҚҚБ (Х.Даминов), ЎИЧМФТЭБ (И.Акбаров), Тошкент вилояти ХТБ |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4. | (25) Қуйидагиларни ташкил этган ҳолда “Ёш оилалар ва қизлар” республика конференциясини ўтказиш:<br>“Мен ҳам етакчи бўламан” мавзусида 16 ёшдан 30 ёшдан ошмаган иштимоий фаол ва уюшмаган қизларнинг турли соҳаларда фаолият юритиб келаётган раҳбар аёллар билан учрашувини;<br>“Илм-фан келажак пойдевори“ шиори остида “Оилам китоб ўқийди” акциясини; Ёш хотин-қизларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда турли касб-ҳунарлар бўйича “Ким нимага қодир?» маҳорат дарсларини;<br>“Соғлом турмуш тарзи” акцияси (спорт мусобақалари)ни ташкил этиш. | Ҳар йили август | Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорлик қилиш (чақириқ асосида) | Хотин-қизлар қўмитаси (Т.Нарбаева), “Оила” маркази (Д.Ташмухамедова), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (Қ.Қуранбаев), Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), орақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ |
| 5. | (36) Оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда таълим муассасалари психологларининг ролини танқидий таҳлил қилиш. | 2018 йил февраль<br><br>17 март | 1. Вазирлар Маҳкамаси чора-тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича вазирлик, идора ва ташкилотлараро ишчи гуруҳини тузиш.<br>2. Вазирлар Маҳкамаси чора-тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш учун ҳамкор вазирлик, идора ва ташкилотлардан таклифлар йиғиш. | Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (М.Холмухамедов), “Оила” маркази (Д.Ташмухамедова), Хотин-қизлар қўмитаси (Т.Нарбаева), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (Қ.Қуранбаев) | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), Республика Ташхис маркази (А.Хундибаев), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 25 март<br><br>30 март | 3. Вазирлар Маҳкамаси чора-тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиб, вазирлик, идора ва ташкилотлар билан келишиш.<br>4. Вазирлар Маҳкамаси чора-тадбирлар дастури лойиҳасини киритиш. | | |
| 6. | (37) Қизларда олижаноб ахлоқий фазилатлар, юксак маънавият ва кенг дунёқарашни шакллантириш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида “Қизлар кутубхонаси” туркумидаги “Фақат қизлар учун” номли оммабоп рисолаларни мобил иловасини яратиш ва чоп этиш. | 2018 йил август | Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши баёни лойиҳасини ишлаб чиқишда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорлик қилиш (чақириқ асосида) | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов), Хотин-қизлар қўмитаси (Т.Нарбаева), “Оила” маркази (Д.Ташмухамедова), Маънавият ва маърифат маркази (А.Қодиров), Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (Қ.Куранбаев) | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), МАТБИҚҚБ (Х.Даминов), АКТЖЭБ (К.Сайтов) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 7. | (40) Таълим тизимида қуйидагиларни назарда тутувчи ўқув дастурларини ташкил этиш: мактабгача таълим муассасаларида 4 ёшдан ошган болалар учун оилавий қадриятлар бўйича ҳафталик (10-15 дақиқа давомийлигида) машғулотлар ўтказиш; умумтаълим мактабларининг 5-7 синфларида “Оила асослари” ва 8-10 синфларда “Оила этикаси ва психологияси” фанларини киритиш. | 2018 йил март апрель май | 1 .Чора-тадбирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича вазирлик, идора ва ташкилотлараро ишчи гуруҳини тузиш.<br>2.Чора-тадбирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш учун таклифлар йиғиш.<br>3.Чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш. | Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин), Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), Хотин-қизлар қўмитаси (Т.Нарбаева), “Оила” маркази (Д .Ташмухамедова), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (Қ.Қуранбаев) | УЎТМЎМЖРББ (А.Носиров), Республика таълим маркази (М.Эсонов) |
| 8. | (43) Соғлом оила қуриш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, соғлом турмуш тарзини юритиш (тўғри овқатланиш, гигиена, тиббий маданият, спорт билан шуғулланиш ва бошқалар) асосларини хотин-қизлар орасида манзилли тарғиб этиш мақсадида якка тартибда тушунтириш ишлари, очиқ мулоқот, сайёр қабул ва давра суҳбатларини ташкил этиш. | ҳар йили | Тадбирлар режасини ишлаб чиқишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорлик қилиш (чақириқ асосида) | Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шадманов), Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (М.Холмухамедов), “Оила” маркази (Д.Ташмухамедова), Хотин-қизлар қўмитаси (Т.Нарбаева),Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (Қ.Қуранбаев), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика Кенгаши (Ш.Жавлонов) | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), МАТБИҚҚБ (Х.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 9. | (44) Хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилиш мақсадида:<br>Барча турдаги спорт мажмуаларининг спорт соғломлаштириш гуруҳларида кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларнинг имтиёзли шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиш;<br>Спортнинг нафис турлари бўйича бир неча босқичли хотин-қизлар спартакиадаларини ташкил этиш. | 2018 йил март | Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси билан ҳамкорлик қилиш (чақириқ асосида) | Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси (Р.Қурбонов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), Молия вазирлиги (А.Хайдаров), Хотин- қизлар қўмитаси (Т.Нарбаева), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика Кенгаши (Ш.Жавлонов) | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), МТТТЭБ (А.Алимов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ |
| 10. | (46) Оилаларда соглом турмуш тарзини шакллантириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш мақсадида оилавий мутолаа учун “Соғлом турмуш тарзи ва профилактикаси алифбоси” электрон модулини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган холда яратиш ва тарқатиш. | 2018 йил август | Электрон модулни ишлаб чиқишда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси билан ҳамкорлик қилиш (чақириқ асосида) | Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шадманов), “Оила” маркази (Д.Ташмухамедова), Хотин-қизлар қўмитаси (Т.Нарбаева), “Шарқ аёли” халқаро аёллар жамоат фонди (С.Турсунбаева), Маънавият ва маърифат маркази (А.Қодиров), Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (Қ.Қуранбаев) | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), МАТБИҚҚБ (Х.Даминов) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 11. | (50) Таълим муассасаларида “Қизларжон” тўгараклари фаолиятини ташкил этиш орқали қизларни ахлоқий ва эстетик маданиятини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш, шунингдек, оила ва никоҳ, репродуктив саломатлик масалалари бўйича машғулотлар ўтказиш. | 2018 йил апрель | Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорлик қилиш (чақириқ асосида) | Хотин-қизлар қўмитаси (Т.Нарбаева), “Оила” маркази (Д.Ташмухамедова), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (Қ.Куранбаев), Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шадманов), Маданият вазирлиги (Б.Сайфуллаев) | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ |
| 12. | (51) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳудудий бўлимлари ва бошланғич ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида:<br>Замон талабидан келиб чиққан ҳолда бошланғич ташкилотлар низомини ишлаб чиқиш;<br>Хотин-қизлар билан амалга ошириладиган ишларнинг мазмуни, йўналишлари, шакли ва услубларини аниқ белгилаш;<br>Бошланғич ташкилотлар раислари учун семинарлар ташкил этиш;<br>“Хотин-қизлар қўмиталарининг энг намунали бошланғич ташкилоти” танловини ташкил этиш. | 2018 йил апрель<br>режа асосида<br>режа асосида | Низом ишлаб чиқишда Хотин- қизлар қўмитаси билан ҳамкорлик қилиш (чақириқ асосида)<br>Услубий тавсиялар ишлаб чиқишда Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорлик қилиш (чақириқ асосида)<br>Чора-тадбир ишлаб чиқишда Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорлик қилиш (чақириқ асосида)<br>Чора-тадбир ишлаб чиқишда Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорлик қилиш (чақириқ асосида) | Хотин-қизлар қўмитаси (Т.Нарбаева), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (Қ.Куранбаев), Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика Кенгаши (Ш.Жавлонов), Маънавият ва маърифат маркази (А.Қодиров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | ЎЁБИБ (А.Абдуллаев) |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2018 йил 6 февраль* *33-сон*

## Б У Й Р У Ғ И

### УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ХАВФЛИ АҲВОЛДА БЎЛГАН ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ЯККА ТАРТИБДА ШУҒУЛЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарорининиг ижросини таъминлаш, умумтаълим мактабларида ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар билан якка тартибда фаолият олиб бориш ва ушбу йўналишда тизимли назорат ўрнатиш ишларини такомиллаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Умумий ўрта таълим муассасаларида ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар билан якка тартибда шуғулланишни ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (кейинги ўринларда матнда йўриқнома деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги республика ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари раҳбарларига:

икки ҳафта муддатда ушбу йўриқномани тасарруфдаги барча умумий ўрта таълим муассасаларига етказиш;

барча умумий ўрта таълим муассасаларида тегишли ишларнинг мазкур йўриқнома асосида сифатли ташкил этилишини ва мунтазам назорат қилиб борилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

3. Матбуот котиби (Б.Шайвалиев), “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (Х.Нишонов)га йўриқнома асосида умумий ўрта таълим муассасаларида олиб борилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

4. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг*
*2018 йил 6 февралдаги 33-сонли буйруғига илова*

## Умумий ўрта таълим муассасаларида ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар билан якка тартибда шуғулланишни ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома

Мазкур Йўриқнома халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар билан якка тартибда шуғулланишни ташкил этиш ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома халқ таълими тизимидаги барча умумий ўрта таълим муассасаларига (бундан буён матнда таълим муассасалари деб юритилади) нисбатан татбиқ этилади.

2. Таълим муассасаларида таълим олаётган ва таълим муассасаларининг ички назорат рўйхатига олинган ўқувчилар билан якка тартибдаги профилактик ва тарбиявий тадбирлар жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдириш ишлари ушбу йўриқнома талаблари асосида олиб борилади ва назорат қилинади.

### 2-боб. Ўқувчиларни таълим муассасасининг ички назорат рўйхатига олиш ва чиқариш тартиби

3. Қуйидаги тоифадаги ўқувчилар таълим муассасасининг ички назорат рўйхатига олинади:

ўрнатилган тартибда ички ишлар органларининг профилактик ҳисобига олинган (назоратсиз ёки қаровсиз қолган; ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этганлар; ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида сақланаётган; таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган; маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган; амнистия акти асосида ёки қилмиш ёхуд шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги ёхуд ярашилганлиги муносабати билан, шунингдек, вояга етмаганни жазо қўлламасдан туриб тузатиш мумкин деб эътироф этилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод қилинган; ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий

жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлар ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаган; жиноят содир этганликда айбланиб, қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланган; мажбурлов чоралари қўлланган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган; жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан ёхуд амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилинган; ҳукмнинг ижроси кечиктирилган; шартли ҳукм қилинганлар, ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо турларига ҳукм қилинган; жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган; руҳий касаллик туфайли соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳисобда турган ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган) ўқувчилар;

тарбияси оғир, жанжалкаш, гуруҳбозликни тарғиб қилувчи ўқувчилар;

мактабнинг ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидаларини мунтазам равишда бузувчи ўқувчилар;

дарс жараёнига сабабсиз келмаётган, мунтазам дарс қолдирувчи, дарслардан қочиб кетувчи ва чет элга ноқонуний чиқиб кетган ўқувчилар;

нотинч оилалар фарзандлари;

ҳуқуқбузарлик ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга мойил бўлган ўқувчилар;

таълим муассасасаларига тақиқланган буюмлар (ўткир тиғли жисмлар, ўйин картаси, турли зарарли кимёвий моддалар ва пиротехник воситалар, махсус газ сачратувчи мосламалар, маънавият ва хулққа салбий таъсир кўрсатувчи бошқа предметлар)ни олиб кирган ёки олиб киришга уринган ўқувчилар;

“Ўқувчи” рейди давомида аниқланган ўқувчилар;

ўқувчилар орасида ўтказилган психологик сўровномалар натижасида руҳий ҳолатида салбий ўзгаришлар аниқланган ўқувчилар.

4. Ўқувчилар таълим муассасасининг ички назорат рўйхатига 3-бандда қайд этилган қилмишларни содир этган вақтдан эътиборан қилмишининг хавфлилик ва оғирлик даражасига қараб уч, олти, тўққиз ой ва бир йил муддатга олинади.

Ушбу муддат ўқувчининг хулқида ижобий ўзгаришлар кузатилгунга қадар узайтирилиши мумкин.

5. Ички ишлар профилактик ҳисобига олинган ўқувчилар мазкур ҳисобда турган муддатда таълим муассасасининг ички назорат рўйхатига ҳам олинади.

6. Ўқувчиларни таълим муассасасининг ички назорат рўйхатига олиш синф раҳбари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг билдиришномаси ёки ички ишлар органининг профилактик ҳисобга олганлиги ҳақидаги қарори асосида таълим муассасаси директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

7. Ўқувчини ички назорат рўйхатига олиш ҳақидаги буйруқда ўқувчи билан якка тартибда профилактик тадбирларни олиб борувчи масъул ходим(лар) ҳақидаги маълумотлар ҳам кўрсатилиши шарт.

8. Ўқувчилар билан якка тартибда профилактик тадбирларни олиб борувчи масъул ходим сифатида синф раҳбари, мактаб психологи, ёшлар етакчиси ёки тажрибали педагоглардан бир нафари (зарур ҳолларда бир неча масъул) бириктирилади.

9. Ўқувчиларни ички назорат рўйхатидан чиқариш уларнинг хулқида ижобий ўзгаришлар кузатилганда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, тегишли синф раҳбари ва ўқувчига бириктирилган масъул ходимнинг биргаликдаги билдиришномаси ёки ички ишлар органининг профилактик ҳисобдан чиқариш ҳақидаги қарори (шундай ҳисобда турганлар учун) асосида таълим муассасаси директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Билдиришномада ўқувчи билан олиб борилган якка тартибдаги профилактик, тарбиявий ишлар ва уларнинг натижалари асосланган ҳолда кўрсатилган бўлиши лозим.

10. Таълим муассасасининг ички назорат рўйхатида турган ўқувчи ўқишини бошқа таълим муассасасига кўчирган тадбирда, унинг “ижтимоий паспорти”  (у билан якка тарғибда олиб борилгаи ишлар ҳақидаги маълумот илова қилинган ҳолда) бошқа ҳужжатлари билан биргаликда тегишли таълим муассасасига юборилади.

## 3-боб. Таълим муассасасининг ички назорат рўйхатига олинган ўқувчилар билан якка тартибда шуғулланишни ташкил этиш

11. Таълим муассасасининг ички назорат рўйхатига олинган ўқувчиларга бириктирилган масъул ходимлар ўқувчилар билан якка тартибда профилактик тадбирларни амалга оширади.

12. Масъул ходим тегишли ўқувчи(лар) билан якка тартибда шуғулланиш бўйича ўз иш режаларини тузади. Иш режалар таълим муассасаси директори томонидан тасдиқланади.

Иш режада аниқ муддатлар кўрсатилган ҳолда қуйидагилар на-

зарда тутилган бўлиши лозим:

ўқувчининг қизиқишларини инобатга олган ҳолда қайси тўгарак(лар)га жалб қилиш;

ўқувчининг давоматини кунлик назорат қилиш;

дарсларни ўзлаштиришга амалий ёрдам кўрсатиш;

тўгаракларга қатнашишни мунтазам ўрганиб бориш;

ўқувчи билан якка тартибда олиб бориладиган суҳбатлар мавзуларини кўрсатиш;

профилактика инспектори, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи фаоллари билан биргаликда ўқувчининг оилавий шароити билан танишиш;

ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бундан буён матнда ота-оналар деб юритилади) билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш, суҳбатлашиш уларга фарзанд тарбияси бўйича педагогик-психологик ёрдам кўрсатиш;

ўқувчидаги ижобий (ёки салбий) ўзгаришларни қайд этиб бориш;

заруриятдан келиб чиққан ҳолда бошқа тегишли масалалар.

13. Масъул ходим тасдиқланган режа асосида ўқувчи билан олиб борилган барча профилактик ишлар тўғрисидаги маълумотларни жамлаб бориш учун алоҳида йиғмажилд шакллантиради.

14. Масъул ходим бириктирилган ўқувчи билан профилактик ва тарбиявий ишларни олиб боришда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, тегишли синф раҳбари, мактаб психологи, ёшлар етакчиси, шунингдек, тегишли фан ўқитувчилари ва тўгарак раҳбарлари билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

## 4-боб. Таълим муассасининг ички назорат рўйхатига олинган ўқувчилар билан таълим муассасасида умумий профилактик тадбирларни амалга оширувчи ходимларнинг асосий вазифалари

15. **Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг асосий вазифалари:**

бириктирилган масъул ходимларга, синф раҳбарлари ва психологга тегишли методик ёрдам кўрсатиш;

ўкувчилар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар олиб боришда иштирок этиш;

таълим муассасасида ташкил этиладиган турли маданий-маърифий тадбирларга ички назорат рўйхатидаги ўқувчиларнинг жалб этилишини таъминлаш;

ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан тажрибали педагог ходимлар, таълим муассасаси хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳудудий профилактика инспектори ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органи фаоллари билан суҳбатлар уюштириш;

таълим муассасаси ҳузуридаги “Оила-маҳалла-таълим муассасаси’’ ҳамкорлиги Жамоат Кенгаши йиғилишларида тарбияси оғир, мунтазам дарс қолдирувчи ўқувчилар ота-оналарининг фарзанд тарбиясидаги масъулиятсизликларининг муҳокама килиб борилишини ташкил этиш;

ички назорат рўйхатида турган ҳар бир ўқувчининг хулқидаги ижобий ўзгаришлар ва улар томонидан эришилган ҳар бир ютуқнинг эътироф этилиши ва рағбатлантириб борилишини таъминлаш.

16. **Синф раҳбарларининг асосий вазифалари:**

“Тарбиявий соат”ларда ўқувчиларда соғлом фикрлаш, тиббий маданият, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, одоб-ахлок қоидаларига риоя этиш, дарсларга жиддий тайёрланиб келиш, бўш вақтларида тўгаракларга қатнашиш ва китобхонликни тарғиб қилиш;

таълим муассасаси ва ундан ташқарида ўқувчилар томонидан тақиқланган буюмлар (ўткир тиғли жисмлар, ўйин картаси, турли зарарли кимёвий моддалар ва пиротехник воситалар, махсус газ сачратувчи мосламалар, қимматбаҳо буюмлар, маънавиятга ва хулққа салбий таъсир кўрсатувчи бошқа предметлар)ни олиб юриш мумкин эмаслиги ҳақида доимий тушунтириш ишларини олиб бориш;

ўқувчиларнинг оилавий шароитини ўрганиш ва ота-онасига педагогик-психологик ёрдам кўрсатиш;

ўқувчининг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда тўгаракларга жалб қилиш;

ўқувчини таълим муассасаси ва синф миқёсида ўтказиладиган турли маданий-маърифий тадбирларга мунтазам равишда жалб қилиш;

ўқувчининг бўш ўзлаштираётган фанлар бўйича фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб бориш, фан ўқитувчисига дарсларда ушбу ўқувчини фаоллаштириш юзасидан керакли тавсиялар бериш;

ўқувчиларнинг дарсларга тўлиқ ўқув қуроллари билан иштирок этиши ва давоматини, шунингдек одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишини кунлик назорат қилиб бориш;

ўқувчилар мактабга келмай қолган ҳолатда зудлик билан шу куннинг ўзида *(соат 10:00 гача)* уларнинг ота-оналари билан телефон орқали боғланиб, вазиятга ойдинлик киритиш, ота-онаси билан боғланиш имкони бўлмаганда, таълим муассасаси раҳбариятини огоҳлантириш;

ўқувчининг ўқиши ва хулқида кузатилаётган ҳар қандай ўзгаришларни уларнинг ота-оналари ва мактаб раҳбариятига маълум қилиш;

ўқувчининг хулқидаги ва фанларни ўзлаштиришидаги ҳар қандай ижобий ўзгаришларни рағбатлантириш чораларини кўриш.

17. **Таълим муассасаси психологининг асосий вазифалари:**

синф раҳбарлари билан биргаликда ўқувчиларнинг "ижтимоий паспорти"ни *(ўқувчи ва унииг ота-онаси, оилавий шароити тўғрисида тўлиқ маълумотлар банки)* ўқув йили бошида тузиш ва уни тизимли равишда *(ҳар чоракда)* янгилаб бориш;

таълим муассасасининг ички назорат рўйхатига олинган ўқувчилар учун алоҳида йиғмажилд шакллантирган ҳолда улар билан тизимли равишда якка тартибда психологик суҳбат (ҳафтада камида 1 марта) ва сўровномалар (ойда камида 1 марта) ўтказиш;

ўқувчининг хулқини ва тарбиясини ижобий томонга ўзгартириш бўйича ҳамда ижтимоий мослаштириш жараёнларини тезлаштириш мақсадида турли психологик методлар орқали уларнинг қизиқиши, қобилияти ва имкониятини ҳисобга олган ҳолда синф раҳбари, ёшлар етакчиси билан ҳамкорликда тегишли тадбирларни амалга ошириш;

ўқувчи билан амалга оширилаётган профилактик чора-тадбирлар натижасида ўқувчиларнинг руҳиятида кузатилаётган ўзгаришлар тўғрисида унинг ота-онасини хабардор қилиш ва бу борада улар билан ҳамкорлик қилиш;

ўқувчининг ота-онасига фарзанд тарбияси бўйича педагогик-психологик ёрдамлар кўрсатиш.

18. **Ёшлар етакчисининг асосий вазифалари:**

психолог хулосасига кўра ўқувчини тўгараклар ва спорт секцияларига жалб этиш ҳамда доимий иштирокини назоратга олиш;

таълим муассасаси "Ёшлар итгифоқи" ва "Камалак" ташкилотлари сардорларини ички назорат рўйхатидаги ўқувчига бириктириш;

синф раҳбарлари билан ҳамкорликда туман (шаҳар)даги мактабдан ташқари муассасалар билан таништириш чораларини кўриш;

ўқувчини таълим муассасаси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туман (шаҳар) кенгаши томонидан ташкил этиладиган турли маданий-маърифий тадбирларга мунтазам равишда жалб этиб бориш;

ўқувчилар томонидан бажарилган ҳар қандай ижобий ишлар ва ютуқларни турли тадбирларда ва "Эрталабки сафланиш"ларда эътироф этиб борилишини таъминлаш.

## 5-боб. Таълим муассасасининг ички назорат рўйхатига олинган ўқувчилар билан якка тартибда шуғулланиш фаолиятини назорат қилиш

19. Таълим муассасасининг ички назорат рўйхатига олинган ўқувчилар билан олиб бориладиган профилактик ва тарбиявий

ишлар, уларга бириктирилган масъул ходимларнинг фаолияти, ўқувчилар билан якка тартибда шуғулланиш режаларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилиш ҳолати, синф раҳбарлари, мактаб психологи ва ёшлар етакчисининг фаолияти маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари томонидан мунтазам равишда кунлик назорат қилиб борилади ва мувофиқлаштирилади.

20. Масъул ходимлар, синф раҳбарлари, психолог, ёшлар етакчиси ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари томонидан таълим муассасасининг ички назорат рўйхатига олинган ўқувчилар билан ишлаш ҳолати ҳар ҳафта якунлари бўйича мактаб раҳбари томонидан таҳлил қилиб борилади.

21. Масъул ходимларнинг фаолияти ва тарбияси оғир ўқувчилар билан тегишли ишларнинг олиб борилиш ҳолати, ушбу тоифага кирувчи ўқувчилардаги ижобий (салбий) ўзгаришлар таълим муассасаси педагогик кенгаши йиғилишларида ҳар ой якунлари бўйича мунтазам равишда муҳокама қилиб борилади. Бунда масъул ходимларнинг ҳисоботлари ҳам эшитилади.

22. Таълим муассасаларида тарбияси оғир, ички назорат рўйхатига олинган ўқувчилар билан олиб борилаёган ишлар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан ҳар чорак якунлари бўйича таҳлил қилиб борилади.

23. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг тарбияси оғир ўқувчилар билан якка тартибда шуғулланиш бўйича фаолияти ҳудудий халқ таълими бошқармалари томонидан назорат қилинади ва бир ўқув йилида камида 2 марта умумий йиғилишларда муҳокама қилиб борилади.

24. Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашган ходимларга нисбатан таълим муассасаси, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ва ҳудудий халқ таълими бошқармалари йиғилишлари қарорлари билан тегишли чоралар қўлланилади ва ижобий натижаларга эришган ходимлар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилади.

## 6-боб. Якуний қоидалар

25. Ушбу Йўриқнома талабларига риоя қилиш барча таълим муассасалари учун мажбурий ҳисобланади.

26. Мазкур Йўриқнома талабларига риоя қилмаган масъул ходимлар тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2018 йил 16 февраль* *43-сон*

## Б У Й Р У Ғ И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2018 ЙИЛ 9 ФЕВРАЛДАГИ 11-СОН МАЖЛИС БАЁНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 февралдаги “Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги 11-сон мажлис баёни ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 февралдаги “Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги 11-сон мажлис баёни (бундан буён матнда баён деб юритилади) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Баёнга кўра:

жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синфларида, янги ўқув йилидан бошлаб 2-3-4-синфларида ўқув ҳафтасининг давомийлиги 5 кун этиб белгиланганлиги;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бир ой муддатда бошланғич синфларда ҳафталик ўқув давомийлиги 5 кунлик ўқиш жараёнига ўтилиши муносабати билан халқаро илғор тажрибаларни ўрганган ҳолда умумий ўрта таълимга қўйиладиган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши инобатга олинсин.

3. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-методик жараённи ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров), Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Н.Рўзиқулов), Республика таълим маркази (М.Эсонов)га:

умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида ўқув ҳафтасининг давомийлигини 5 кунликка ўтказилиши муносабати билан ҳафталик ўқув режа ва дастурларини мослаштириш;

умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида ҳафталик ўқув давомийлигининг 5 кунлик ўқиш жараёнига ўтиш масаласининг долзарблиги ҳамда амалий жиҳатлари бўйича кенг педагогик жамоатчиликка тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, педагогик кенгашларда муҳокама этилишини назорат қилиш;

бошланғич синфларда педагог ходимларнинг касбий маҳоратларини ошириш орқали таълим сифатини яхшилаш чораларини кўриш;

жорий ўқув йилининг IV чорагида бошланғич синфларда ҳафталик ўқув давомийлигининг 5 кунлик ўқиш жараёнини вазирлик тасарруфидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабларида тажриба синовдан ўтказиш;

бошланғич синфларда амалдаги давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва ўқув дастурларининг тўлиқ бажарилишини назоратга олиш вазифалари топширилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида ҳафталик ўқув давомийлигининг 5 кунлик ўқиш жараёнига ўтиш масаласининг долзарблиги ҳамда амалий жиҳатлари бўйича кенг педагогик жамоатчиликка тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, педагогик кенгашларда муҳокама этилишини таъминлаш;

бошланғич синфларда амалдаги давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва ўқув дастурларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш;

жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб барча умумий ўрта таълим мактабларида 1-синфлар учун дарс жадвалларини 5 кунлик ўқув ҳафтасига мослаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишни таъминлаш;

бошланғич синфларда педагог ходимларнинг касбий маҳоратларини ошириш орқали таълим сифатини яхшилаш чораларини кўриш;

ҳафтанинг шанба кунлари ўқувчиларнинг қизиқишлари ва хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда турли фан тўгараклари, спорт секциялари ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилишини таъминлаш;

жорий йилнинг 24 февраль куни барча умумий ўрта таълим

мактабларида ота-оналар мажлисини ўтказиш, мазкур буйруқнинг мазмун-моҳияти бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб тизимли равишда умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида ҳафталик ўқув давомийлиги 5 кунлик ўқиш жараёнига ўтилиши юзасидан ота-оналар, маҳалла, кенг жамоатчилик ўртасида кенг тушунтириш ишларини амалга ошириш, унда асосан ота-оналарнинг фарзандлари билан оилавий дам олишларига, оилани жипслаштириш, ота-она ва фарзандлар ўртасида меҳр-оқибатни ривожлантириш ҳамда чин маънодаги оилавий анъаналарни вужудга келтириш, маданий, тарихий обидаларга бирга саёҳатлар уюштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш вазифалари юклатилсин.

5. Назорат-таҳлил, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси (К.Инаков) мазкур буйруқни бир кун муддатда халқ таълими тизимидаги барча манфаатдор шахслар эътиборига етказсин.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Қ.Бектурдиев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2018 йил 16 февраль* *45-сон*

## Б У Й Р У Ғ И

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Президенти девонининг 2017 йил 14 февралдаги 04/1-328-сон топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси ахборот тизимининг янги талқини 2018 йил 1 февралдан ишга тушганлиги ҳамда ушбу тизим орқали давлат органлари раҳбарларига бевосита мурожаат қилиш имконияти яратилганлиги раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Жорий йилнинг 21 февралидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг виртуал қабулхонаси (бундан буён матнда виртуал қабулхона деб юритилади) фаолияти тугатилсин.

3. Назорат ва таҳлил, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи (К.Иноқов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (Қ.Сайтов), Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров)га uzedu.uz веб-сайтида виртуал қабулхона иш фаолияти тўхтатилганлиги ва pm.gov.uz веб-сайти орқали Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирига мурожаат қилиш мумкинлиги тўғрисидаги маълумотларни бир кун муддатда жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари уч кун муддатда ўз меъёрий ҳужжатларини мазкур буйруққа мувофиқлаштирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2016 йил 6 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг виртуал қабулхонасини ташкил этиш тўғрисида"ги 278-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **У. Иноятов**

**Bosh muharrir:**
Mahmudov Sarvar Yuldashevich

**Bosh muharrir o‘rinbosari v.v.b:**
Umaraliyeva Muhayyo Abdugaparovna

**Mas’ul kotib:**
Tashxanov Nurbek Aybekovich

**Badiiy muharrir:**
Mamasoliyev Akbarali Hamzayevich

**Tahrir hay’ati:**
Ulug‘bek INOYATOV, Sobitxon TURG‘UNOV, Dilshod KENJAYEV, Risboy JO‘RAYEV, Hikmatilla RASHIDOV, G‘ayrat SHOUMAROV, Ma’rufjon VAXOBOV, Qudratjon INOQOV, Namoz RO‘ZIQULOV, Fayzulla AHMEDOV, Shavkat SHARIPOV, Maqsudjon YULDASHEV, Islom ZOKIROV, Alisher ZOKIROV, Hikmatilla DAMINOV

Tahririyat manzili: 100159. Toshkent shahri, Mustaqillik maydoni, 5-uy.
E-mail: xalq_talimi@xtv.uz Tel.: (99897) 710-64-53, 726-35-32.
Jurnal O‘zMAA tomonidan 2015-yil 3-iyunda ro‘yxatga olinib, 0852-raqamli guvohnoma berilgan.

Buyruq va ularning ilovalari to‘liq, o‘zgartirishsiz chop etilmoqda. Jurnal tahririyatning kompyuter bo‘limida terilib, sahifalandi.

Bosishga ruxsat etildi: 30.03.2018 y. Qog‘oz bichimi 84x108 1/32.
Ofset bosma usuli. Shartli b.t. 7,0. Adadi 27 369 nusxa.
-buyurtma.
Bahosi kelishilgan narxda.

Ushbu songa mas’ul – Egamqulov Elmurod Qosimovich

© “Xalq ta’limi axborotnomasi”, 2018.